



Hurriyat

Mustaqil gazeta

Шавкат МИРЗИЕВ:

— Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик: биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқмиз. Биз — ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчиликдан қўрқмайдиган, адолатни қадрлайдиган, азму шижоатли, буюк халқмиз.

Gazeta 1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan * Elektron manzil: gzhurriyat@mail.ru * www.uzhurriyat.uz * 2020-yil 5-fevral, chorshanba * № 6 (1170)



“ЛИСОН УТ-ТАЙР” САРИ САЙР

Биринчидан, мактаб боласи ҳамма асарни ҳам ёд олавермайди. Бунинг устига, катта-катта асарлар бўлса булар. Иккинчидан, “Бўстон”-ку — шеърини дoston. Лекин “Гулистон” — назм аралаш насрий асар. Уни бошдан-охир ёдлаган бирор киши бўлмаса керак.

⇒ 3-бет



КОРОНАВИРУС — “ТҮХТА!”

Ҳозирча ўлат келтирувчи касалликни даволашда вакцина ишлаб чиқариш устида иш олиб борилмоқда. Хабарларга кўра, Францияда, Таиландда вакцина топилгани ҳақида маълумотлар бор.

⇒ 5-бет

МАЪРИФАТПАРВАР АДИБНИНГ СЎНГИ КУНЛАРИ

— Бизлар Байтуллоҳни зиёрат этмак учун Самарқанддан чиққон эдик, йўлда амир маъмурлари “сизлар жадид, кофир ва тилчи” деб бизни кўлга олдилар. Тафтиш қилинсан, бизнинг гуноҳсизлигимиз шояд маълум бўлар, — дейди Бехбудий ҳазратлари.

Маълум бўлди



⇒ 8-бет

ФАХР

Сирожиддин САЙИИД,
Ўзбекистон халқ шоири

ҒАЛАБА ВА ИФТИХОР

Профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони
Муроджон Аҳмадалиевга

Шавкатли зотлардан шиддатлар олган,
Шиддатли зотлардан ибратлар олган —

Осмондан тушмагай обрў, шухрат-шон —
Оллоҳ муродингни бермиш, Муроджон!

Отанг Қаҳҳор, бобонг Аҳмадалидир,
Заҳматинг шу элнинг заҳматларидир.

Осонми дунёда фарзанд ўстирмоқ,
Эл-юртга муносиб дилбанд ўстирмоқ?

Бир ўғил улгайиб то ўғлон бўлмай,
Ота-она бағри қанча қон бўлмай.

Париж, Румолардан йироқ-йироқда,
Илму маърифатга макон тупроқда,

Камтарин эл аро сен камол топдинг,
Бахту толеингни безавол топдинг.

Сенда жам шиддатнинг қанча-қанчаси,
Ҳазрати Бобурнинг йўлбарс панжаси.

Қонингда жўши урган бедор, исёнкор,
Машираб боболарнинг жазаваси бор.

Шавкатли зотлардан шиддатлар олган,
Шиддатли зотлардан ибратлар олган,

Уммон ортидаги ҳар бир зарбингдир,
Сенинг Ватан учун ҳарбу зарбингдир.

Кўрди Майамининг маҳлиқолари,
Кўрди Оврупо ҳам Амриқолари —

Қанча зўравонлар бор бу дунёда,
Гиррамлар дастидан хор бу дунёда —

Бир ўзбек ғолибу музаффар келмиш,
Икки елкасида кўш камар келмиш.

Ҳа, мардлик олдида номардлик абгор,
Сенда мард миллатнинг матонати бор.

Этти ёт эллардан юртга қайтайин,
Мен ҳам дунёларга қараб айттайин:

Кетди кўксимдаги кўҳна нолам-ай,
Фахру ифтихорим, жоним болам-ай!

Отанг Қаҳҳор, бобонг Аҳмадалидир,
Сенга ёғилган эл раҳматларидир.

Осмондан тушмагай ҳаргиз шухрат-шон,
Жонингни жабборга бериб, Муроджон,

Оқладинг халқингнинг ҳалол номини,
Ўзбекистон номин, ўзбек номини.

Сени келди деган хушхабарингдай,
Аму, Сирдарёни — кўш камарингдай,

Шу музаффар элнинг белига бойлаб,
Бор гурур-оримни дилимга жойлаб,

Янги давру замон саҳнидан туриб,
Мен ҳам айтгим келар завқларга тўлиб:

Шавкатли зотлардан шиддатлар олган,
Шиддатли зотлардан ибратлар олган,

Кетди кўксимдаги қанча нолам-ай,
Фахру ифтихорим, жоним болам-ай!



Шоҳсупадаги чемпион

Жаҳон шоҳсупасида Ўзбекистон байроғининг хилпираши калкитиб юборади одамни. Айниқса, байроқ — Ўзбекистон ўғлони Муроджон Аҳмадалиевдек мард ва жасур чемпионлар кўлида бўлса... Ва яна у кўтарган байроқ бутун дунё нигоҳини Ўзбекистонга қаратса...

Пойтахтимиздаги Олимпия шон-шухрати музейида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов иштирокида бўлиб ўтган тантанали маросим ана шу жаҳон шоҳсупасидаги сурурнинг давоми ўлароқ кайфият уйғотди. Мазкур анжуман Майами шаҳрида (АҚШ) профессионал бокснинг ярим енгил вазни тоифасида ғолибликни кўлга киритган Муроджон Аҳмадалиевни тақдирлашга бағишланди.

Президентимизнинг тегишли фармонида кўра, юртимиз бокс тарихида илк бор WBA ва IBF йўналишларида чемпионлик камарини ўзиники қилган, спортда мислсиз натижаларга эришган, бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Аҳмадалиев Муроджон Қаҳҳор ўғлига “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони берилди.

Спортчимизга давлатимиз раҳбари номидан Тошкент шаҳридан уч хонали уй қалити ва “Chevrolet Tracker” автомобили топширилди. Боксчимизнинг ғалабасидан, давлат раҳбарининг ишонч ва ғамхўрлигидан нафақат спортчининг ота-онаси, балки бутун юртдошларимизнинг қувончи чексиз. Ахир фарзандинг бўлсин, чемпион бўлсин-да!

ҲАМКОРЛИК



Майкл ПОМПЕО, АҚШ Давлат котиби:

“Бугун шуни эълон қилишдан мамнунманки, биз Ўзбекистонда капитал бозорини ривожлантириш учун техник кўмак сифатида 1 миллион (АҚШ доллари) ажратилишининг тасдиқланишини кутмоқдамиз. Бу молия соҳасидаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш учун кўшимча ёрдам бўлади. Биз буни АҚШ Ўзбекистоннинг ҳақиқий дўсти бўлгани учун қилаямиз”.

ШУНДАЙ ДЕДИ:



Чори МИРЗАЕВ,
АТБ “Туронбанк” бошқаруви раиси:

“Республикамизда фаолият кўрсатаётган молия муассасалари банкоматларни, асосан, пойтахтимизда, катта шаҳарлар ва туман марказларида ўрнатишган. Жорий йилда “Турон банк” томонидан туну кун фаолият кўрсатадиган 100 та банкоматлар харид қилиниб, шулардан 80 тасини фақат қишлоқлар ва маҳаллаларда ўрнатамиз. Шунингдек, 100 та банк хизматлари офиси ташкил этилади ва аҳолига кредитларни шу жойларнинг ўзида расмийлаштириш имконияти яратилади”.

МУНОСАБАТ

Юртбошимиз Олий Мажлисга Мурожаатномаларида халқимиз дилидаги орзу-умидлари ҳақида гапирдилар. Азал-азалдан порахўрлик ёки коррупцияга қарши кураш тўғрисида сўз борса-да, бу гал "Коррупция — ёвуз бало!" — деган халқона сўз ишлатилди. Журналист эмасманми, жамият танасидаги бу доғ қачон йўқолиши ҳақида кўп ўйлаганман.

Мурожаатномада яширин иқтисодиётга қарши курашга алоҳида эътибор қаратилди. Дарвоқе, бюджет маблағлари ҳисобига "бойвачча"лик қилган мутасаддиларни кўп кўрганман.

Тил учидаги ва дил тубидаги гаплар

Президентимиз одамлар ҳали эшитмаган, эҳтимол чуқур ўйлаб ҳам кўрмаган яна бир мулоҳазани ўртага ташладилар: "Давлат молиявий назорати"ни ташкил этиш. Қолаверса, коррупцияга қарши курашни изчил, тизимли олиб бориш учун алоҳида орган ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўлди. Шунингдек, "Жамоатчилик назорат палатаси" тузилиши ҳам тақлиф этилди. Албатта, бу тақлифлар амалга оширилади, натижада ҳар бир ўзбекистонликнинг ҳаёти янада обод бўлади, адолат устуворлигини таъминлашга катта қадамлар қўйилади.

Бундан ташқари, Президентимиз солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш, тадбиркорлар харажатларининг бир қисмини давлат қоплаб бериши сингари мутлақо қўтилмаган тақлифларни илгари сурдилар. Дарҳақиқат, солиқ тизимини ислоҳ қилишда катта ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Эндиги мақсад тенглик, соддалик, аниқлик ва самардорлик принципларига асосланган янги солиқ тизимини яратишга қаратилди.

Кейинги уч йил давомида Ўзбекистонимизда аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотлар сабаб кўп қаватли бинолар қад ростлади. Олис қишлоқларда ҳам турар-жойлар қурилмоқда. Юртбошимиз "Ватан ичра ватани — уй-жойи бўлса халқ ҳам, Яратган ҳам биздан рози бўлади!" деганларида кўзимиз кувончдан ёшланди. Айниқса, кам таъминланганлар 12-15 фоизни ташкил этиши, бу дегани 4-5 миллион одам камбағаллик касридан қийналаётгани, камбағал тушунчасини камайтириб бориш ҳаётий зарурат экани, бунда Фарғона водийсидаги 22 та қишлоқнинг аҳолиси учун берилган кредитлар, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш йўлида иш билан таъминлангани, бу тажриба республикадаги бошқа қишлоқларда ҳам жорий этилиши таъкидланди. Бу мақсадлар учун 700 миллион АҚШ доллари сарфланиши айтилди.

Энг муҳими, ўзбекистонликлар республикамизнинг ўзи истаган жойида "прописка"дан ўтиши масаласи ўртага ташланганда неча минглаб одамларнинг узоқ йиллардан буён "дарди"га малҳам бўлди, десак асло хато бўлмас керак.

Халқ ҳаёти фаровонлиги фавқулодда ечим топаётгани. Шахсан Юртбошимиз: "Менга садоқатли ёшлар керак, билмаганини ўзим ўргатаман", деганларида нақадар ҳақ эканликлари мана бугун ўз исботини топмоқда.

Ҳаммамиз табиат фарзандларимиз. Қарийб 30-40 йил давомида "Орол! Орол!" — деб келдик. Ундаги қурғоқчилик ҳақида ёзилган китоб-дафтарлар, қоғозу қаламлар ўрнига сув сотиб олинганда эди, Оролнинг маълум қисми тўлармиди? Ҳа, рост, гап кўп, иш оз бўлди.

Мухтарам Президентимиз бунинг ечимини ўзлари топди бердилар: "Бу ишни бизга биров келиб қилиб бермайди! Оролни ўзимиз кўтаришимиз керак!" Бу чакриққа ўтган йили барча вилоятликлар "Лаббай!" деб жавоб қайтардилар. Юзлаб километр, минглаб гектарларга саксовулзорлар ташкил этилди. Юзлаб тракторлар жўяк очиб, шўр ювишга киришилди.

"Нима учун Бош вазирдан бошлаб барча ҳукумат аъзолари, вилоят ҳокимлари парламентга ҳисобот беради-ю вилоят ва туманлардаги раҳбарлар ўз фаолияти ҳақида Маҳаллий кенгашларга ҳисобот бермаслиги керак?"

Юртбошимиз бу ҳаққоний талабни қўйганларида маҳаллий раҳбарлар бир "қўзғалиб" олишгани рост. Уларни тушунса бўлади. Негаки, улар орасида "ўзини хон, қуланқасини майдон", "бу тизимда мендан ақлли, тажрибали, доноси йўқ", дегувчилари ҳам йўқ эмас-да... Президентимиз тил учидаги ва дил тубидаги гапларни айтдилар. Нега "тил учида" деяман. Халқда "Тилимни учида турибди-ю айтолмайман", деган ибора бор.

Энди бир-бирини тақдорлайдиган турли идораларга ана шу юмушларнинг ярми олиб бериладиган бўлди. Бу масалада Олий Мажлис Сенати, Адлия вазирлигига қатор вазифалар юклатилди.

Бир неча кун аввал қабулимга ушоққина кампир кирди. Наманган шаҳридаги Меҳнатобод МФЙда яшовчи Раъно Дадахонова экан. Ёшлигида болалар уйида катта бўлган. Турмуш қуриб фарзандли ва набирали бўлган. 2002 йили 684-сонли қарор билан адирликдан ер олиб, бог яратган. Аммо 2018 йилда 656-сонли қарор билан унинг еридан Нигина Рўзиевага устак ажратилганини, тўғриси, тушунолмадим. Шаҳар қурилиш бўлими, давлат кадастр идораси муштирап кампирнинг кириш эшиги ва йўлини ҳам Н.Рўзиевага қўшиб берибди. Р.Дадахонованинг: "Бир-икки сотих олса олар, аммо кириш эшигини қайтариб берсин!" — деб ёзган аризасига шаҳар ҳокими ўринбосари А.Бобомирзаев: "Судга беринг! Мен ҳал қилмайман!" — дебди жавоб хатида. Энди икки қўшни бир умр судлашиши керакми? "Судга ҳам бердим, — дейди Р.Дадахонова, — биз ҳал қилганимиз деярли-да..."

Президентимиз: "Суд оstonасига қадам қўйган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак" — деганларида оз бора ҳақ албатта. Шунингдек, давлатимиз раҳбари немис файласуфи Иммануэл Кантнинг фикрини келтириш билан адолат тарозуси қўлида бўлганларни инсофга чақирдилар. Адолатсизлик, коррупцияга қарши гапира туриб, уларни "халоплиқ вақциnasi" билан эмлаш масаласини ўртага ташладилар.

Мухтарам Президентимиз сўнги уч йил ичида сўз эркинлиги, журналистлар учун эркин ишлаш, бунинг учун ҳуқуқий асос ва имкониятлар яратилганини таъкидладилар. Қаердаки, маддоҳлик ҳукм сураб экан у жойда истиқболда ўзгариш бўлмайди. Аксинча, "Танқид келажак меваси", деб билганлар бундан тўғри хулоса чиқариб, олдинга интиладилар.

Раҳимжон ИРИСОВ, Наманган вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи.

ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ:

Элдан қолар гап йўқ

Ота-боболаримиз "Халқ сўзи — ҳақ сўз", дея бежиз айтишмайди. Афсуски, узоқ йиллар мобайнида ушбу ҳикматли иборанинг маъзини гўё чақолмагандек, бурч ва мажбуриятни идрок этолмайдиган, омма арзига қулоқ тутишни ўзинга эп кўрмаган мутасаддиларнинг "қош-қовоғи"га қараб турмуш кечирдик.

Бунинг оқибатида атрофимизда муаммолар калалиб кетди, хато ва қусурлар болалаб кетди. Кўпгина мутасаддилар ўз фурсатида ечим топмаган, бартараф этилмаган муаммолар газак отишини фахмлашдек салоҳиятдан ожиз қолдик.

Аммо элда оқил-доно, омилкор, эртани кўра-биладиган инсонлар ҳам кам эмас. Одамлар қалбини тарқ этаётган умид учкунлари ана шундай беназир инсонлар пайқадими боис қайта алангалади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шахсий ташаббуси асосида уч йил муқаддам юртимиз бўйлаб шакланган Халқ қабулхоналари жамиятнинг оғрикли муаммосини муваффақиятли суратда бартараф этиш гаровига айланди. Мамлакатнинг алоҳида нуфузли ижтимоий-ҳуқуқий бўлини сифатида шакланган мазкур тизим жамиятни инсон ҳуқуқлари, бозор ва тадбиркорлик муносабатлари соҳасида катта раванқ ва истиқболлар сари етаклади.

Давлатимиз раҳбари янги тизимни вужудга келтиришдек хайру савоб ишни амалга ошириш билан чекланганлари йўқ. Бўлган фаолиятнинг барча нозик жиҳатлари, ваколат доираси, ҳаракат миқёслари, иш тартиби ва мажбуриятлари оқилона тарзда белгилаб берилди. Омма дарди, ташвишга шерик бўлиб яшамок, халқ давлат идораларига

эмас, давлатнинг ўзи халққа хизмат қилмоғини таъминламоқ демократик жамиятнинг стратегик вазифалари қаторига киришини ҳам биринчи бўлиб у киши ўртага ташладилар.

Жамият турмуши, инсон овози, арзи ва шикоятга қайсики идорада кўпроқ қулоқ тутилса, дардига малҳам қўйилса, кўмак ва мададга бел боғлаб киришилган бўлса, омад ўша тарафда эканлигини аниқ-равшан кўрсатдилар. Аммо шунинг ҳам таъкидлаш зарурки, келиб тушаётган мурожаатларнинг кам қисми, дейлик, 10-15 фоизини қаноатлантириш билан чекланаётган маҳкамалар бундай юқори мартаба ва ҳурматга умид боғла-масалар ҳам бўлаверди. Ариза ва шикоятларни қаноатлантириш миқёсларини сунъий равишда ва зўрма-зўрақлик билан ошириб ва бўрттириб кўрсатишдан тийилмоқ зарур. Мурожаатлар ўзининг асосли ва мантқиқлиги, ҳаққонийлиги, кўтарилган масаланинг қонунийлиги, долзарблигига кўра ҳал этилмоги керак.

Ўтган йили Хоразмнинг чекка туманларидан бўлган Шовотда

Халқ қабулхонасига жами 840 та мурожаат келиб тушди. Йил якунига келиб, мурожаатларнинг 659 таси ёки 78,5 фоизи қаноатлантирилди, ўз ечимини топди. Бу элдошларимиз адолат, ҳақиқат, одиллик, қонунийлик намуналарини айрим мутасадди идоралардан кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналаридан кўпроқ топаётганини яққол тасдиқлайди.

Халқ қабулхоналари ўтган давр ичида яна бир синовдан ҳам муваффақиятли ўтди. Баъзи одамлар ўйлаганидек, Халқ қабулхоналари ариза ва шикоятлар босими остида қолиб кетмади. Аксинча, хато ва қусурлар, камчилик ва нуқсонларни излаб топиш, бартараф қилиш йўли билан жамият тараққиёти эшикларини янада кенг ва раван очишда тизимнинг ўрни ва роли катта бўлди.

Ўювган қалб доғи инсонни кўтаринки кайфиятга, кўтаринки кайфият эса ижтимоий фаолликка етаклайди. Равнақ омиллари ана шундай тизимда вужудга келади. Кўнгли ўқиж, турмуши ночор кишининг ишида унум ҳам, қут-ба-



рака ҳам, сифат ва самара ҳам бўлмайди. Албатта, ҳар бир инсоннинг бу борадаги эрк ва эркинлиги, ҳақ-ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари давлат ҳимоясидадир.

Ўтган йили туман Халқ қабулхонасига Ўзбекистон қишлоғи фуқароларидан бири оиласини боқиб учун ишга жойлашишда ёрдам кўрсатилишини сўраб, мурожаат қилди. Фуқаронинг аризасини ўрганиш асосида бандлик масаласи туманнинг узоқ ва чекка қишлоқлари аҳолиси учун бирмунча катта муаммога айлангани ва долзарблигига қолаётгани маълум бўлди. Шундан сўнг, одамларни ишлаш учун туман ёхуд вилоят марказига йўлланган кўра, уларнинг бандлигини шу ернинг ўзида иш билан таъминлашнинг афзаллиги жойларда тушунтирилди. Мурожаат қилган шахс иш билан таъминланди.

Туманнинг Пахтакор маҳалласида 2 нафар вояга етмаган фарзанди билан 10 йилдан буён бошланасиз яшаб келаётган 2-гурӯх ногирони Д.Сафарованинг мурожаати туман ҳокимлиги тарафидан ўрганилди. Пировардида

унинг руҳан дардли қалби малҳам топди. Халқ қабулхонасининг ара-лашуви ва туман ҳокимлигининг беғараз кўмағи туфайли эҳтиёж-манд хонадоннинг муроди ҳосил бўлди. Оила 2 таси янги хонадонга кўчиб ўтди.

Очилини айтганда, мурожаатларнинг қўлпиги ютуқ сифатида изоҳланмаслиги керак. Аксинча, бу ўша ҳудуддаги муаммо ва камчиликлардан далолат. Ўтган йили Халқ қабулхонасига келиб тушган жами 840 та мурожаатнинг 203 таси ёки 24,2 фоизи уй-жой, ер муносабатлари, 122 таси, яъни 14 фоизи табиий газ, электр энергияси, сув ва иссиқлик таъминоти, 91 таси эса моддий ёрдам масалаларига бориб тақалди. Улар қатъий назоратга олинапти. Тегишли идора ва ташкилот раҳбарлари номига аниқ талаб ва тақлифлар йўлланапти. Жавобгарлик ва маъмурий-интизомий жазо чоралари белгиланапти.

Ҳасанбой МУҲАММАДЖОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шовот туман Халқ қабулхонаси раҳбари.

ТИББИЁТ

Ўзбекистонда "кўз банки" ташкил этилиши мумкин


Кейинги йилларда давлатимиз хорижий давлатлар билан кўплаб соҳаларда, шу жумладан, тиббиёт соҳасида ҳам истиқболли, янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда улкан иқтисодий ва илм-фан тараққиёти йўлидаги янгиликлар инновацион ғояларга асосланган ҳолда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги кўмағи асосида Зулфия Мақсудованинг Тошкент шаҳридаги "Доктор Мақсудова Инновацион клиникаси"да АҚШнинг Флорида штати, Тампа шаҳрида жойлашган "Lions Eye Institute for Transplant and Research" клиникаси юқори малакали кўз микрожарроҳлари амалий-маҳорат дарси ўтказишди.

Маҳорат дарси кўз шохпардасини кўчириб ўтказиш, яъни трансплантацияси бўйича юқори малакали кўз микрожарроҳлар Кубал Ааруп Анант, Эркин Абдуллаев ва маркетинг институти директори Курц Артур Курт томонидан амалга оширилди. Мутахассислар кўз шохларда касаллиги билан узоқ йиллардан бери хасталанган 25 нафар ҳамюртимизга бепул тиббий маслаҳат берди, 4 нафар беморда эса ноёб микрожарроҳлик амалиёти ўтказилди, шунингдек, 4 нафар маҳаллий офталможарроҳлар малака ошириб, махсус сертификат олди.

Ўзбекистон аҳолиси орасида кўз шохпардаси трансплантациясига муҳтож бўлган беморлар сони йилга 1000 нафарга яқин бўлиб, уларга оператив даво муолажаси талаб этилади. Мамлакатимизда охириги 5 йил давомида атиги 108 тагина оператив муолажалар амалга оширилган. Мазкур муолажалар амалга ошириш учун донордан олинган кўз шохпардаси хорижий давлатлардан харид қилинади, беморлар операция тўлақам учун узоқ мuddат куттишларига ёки чет элга чиқиб даво топишларига тўғри келарди.

Эркин Абдуллаев, "Lions Eye Institute for Transplant and Research" шифохонасининг клиник ва инновацион ривожланиш бўйича бошқарувчиси:



— Мен 1993 йилгача академик В. Воҳидов номидаги Жарроҳлик илмий марказида кардиожарроҳ сифатида фаолият юритганман. АҚШда эса кўз шохлардаси трансплантацияси соҳасида ишлаб бошладим. Ана ўшанда бу соҳа нима учун океан ортида яши ривожланган-у, бизда эса бу масалада муаммоларимиз борлиги ҳақида кўп ўйладим. 1999 йилдан бошлаб, махсус дастур бўйича, донорлик кўз шохлардасини Америкадан юртимизга жўнатилишини йўлга қўйдим. Кўз шохлардаси шикастланган беморлар оғир касалликка чалинганлар гуруҳига кириди. Уларни фақатгина кўз шохлардасини трансплантация қилиш билан даволаш мумкин. Бунда шикастланган кўз шохлардаси соғлом кўз шохлардаси билан алмаштирилади. Шохларда бу кўзининг ойнасидек гап.

Ўзбекистонда "кўз банки" бўлмагани сабабли ҳозирга қадар донорлик материалларини хориждан сотиб олишга тўғри келмоқда. Босқичма-босқич хорижий кўз жарроҳлари Ўзбекистонга келиб, маҳаллий жарроҳларни трансплантациянинг янги усуллари билан таништирилганларидан кейин, бир йилда республика бўйича ўртача 25-30 та жарроҳлик амалиёти бажарилмоқда. Ваҳоланки, Ўзбекистонда ҳозирги кунда 5000 нафар бемор шундай операцияга муҳтож. Ўтган йили Зулфия Мақсудова билан учрашиб, гаплашганимиздан сўнг, операциялар сонини янада кўпайтириш йўллари излаб бошладим. У киши Ўзбекистонда "кўз банки" ташкил этиш истагини билдирди. Бу жуда муҳим лойиҳа. Кўз шохпардаси донорлари вафот этган кишилардир. Шу боис ҳам бунинг ҳуқуқий жиҳатлари муҳим аҳамият касб этади.



Одам тирик пайтида у вақти соати келиб, бандлик қилганидан кейин кўз шохлардасининг олинишига ёки вафот этганидан сўнг унинг қариндошларидан донорликка рухсат олиш тартиби ишлаб чиқиши зарур. Бунда вафот этган донорнинг айрим касалликлар билан оғирмагани ҳисобга олиниши шарт. Масалан, донорда сепсис ёки бошқа кўз касалликлари бўлмаслиги лозим. Кўз шохлардасидан қон томилари ўтмагани боис, беморнинг қон гуруҳи аҳамиятга эга бўлмайди. Одатда бундай операциялар ҳамisha муваффақиятли ўтади. АҚШда мазкур жарроҳлик амалиётининг муваффақиятлилик даражаси 99,9 фоизни ташкил этади.

Донорлик бўйича қонун Ўзбекистонда ишлаб чиқилган бўлиб, тасдиқланиши мумкин. Бу ҳуқуқий-мезърий ҳужжат ҳукуматимиз томонидан қўллаб-қувватланса, Ўзбекистонда минглаб одамлар учун жарроҳлик амалиёти бир неча баробарга арзонлашади. Кўз шохлардасини донори бўлишга одам тириклик даврида ёки ўлганидан сўнг қариндошлари томонидан розилик билдириши хорижий давлатларда бепулга амалга оширилади. Одамлар беморларга ёрдам беришларидан қаноатланадилар. Кўз шохлардан олингандан сўнг у презервация муҳити деб аталадиган минерал ва антибио-

тик воситалари билан бойитилган эритмага жойланади. Бу эритма кўз шохлардасининг ҳужайраларининг яшashi учун муҳит яратди. Шохларда АҚШ қонунлари кўра, 2 ҳафтагача бўлган муҳлатда сақланиши мумкин.

Зулфия Мақсудова, ДМС клиникаси раҳбари:

— Ҳозирги кунда кўз шохлардаси трансплантацияси бўйича амалга оширилган жарроҳлик амалиётининг нархи 20-25 миллион сўмни ташкил этади. Агар биз Ўзбекистонда "кўз банк"ни ташкил этсак, у ҳолда бу операциянинг баҳоси бир неча баробарга арзонлашади. Ваҳоланки, ҳозирда бизнинг клиникамизда жарроҳлик амалиёти, бошқа шифохоналарга нисбатан, 40 фоизга арзон амалга оширилади. Бизнинг клиникамиз техник жиҳатдан бундай операциялар қилишга тайёр, энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган, жарроҳларимизнинг ҳам тажрибалари етарли.

Замонавий тиббий ёрдамни мамлакатимиздан ташқарига чиқмаган ҳолда кўрсатиш тиббиёт соҳасида давлат сибсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Беморларга яратилаётган имкониятларнинг кўпайиб бораётгани эса, албатта қувонтиради.

Феруза БЕРДИЕВА.

9 ФЕВРАЛЬ — АЛИШЕР НАВОЙ ТУҒИЛГАН КУН

“Лисон ут-тайр” сари сайр

Алишер Навоий “Лисон ут-тайр” дostonида мактабда ўқиб юрган кезлари (“туфулият чоғи мактаб аро” (Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 12-том. — Тошкент: Фан, 1996. — Б. 293.) Фаридиддин Атторнинг “Мантук ут-тайр” дostonини тўлик ёдлаб олганини ёздади. Лекин у бу маҳалда неча ёшда экани ҳеч кимга маълум эмас. Мутахассислар, ҳар ҳолда, ўн ёшларда бўлганини тахмин қилишади, ҳолос.

Навоийшуносликдан узоқ муаллифларга осон, чоғи, кўркмасдан-нетмасдан: “Навоий ҳазратлари 7 ёш(лар)ида Фаридиддин Атторнинг “Мантук ут-тайр” асарини ёддан билганлар” (Сатторов Ш. Мир Алишер Навоий ҳақида 15 маълумот, 10 ҳикмат ва бир ривоят / Жаноб, 2017 йил, № 1. — Б. 6.), деб ёзаверишади. Бу борада бир кишигина хато қилса, ҳеч гап эмас. Лекин бошқа бир ерда ҳам: “Алишер етти ёшида Фаридиддин Атторнинг “Мантук ут-тайр” асарини ёд олган”и (Қаранг: Жомбой тонги, 2015 йил, 7 февраль.) айтилади.

Улуғ шахсга муносабатда бундай тахминларга ўрин бермаслик керак. Бу ерда ёшнинг кичрайтириб кўрсатиш билан шоирнинг обрўи охиб қолмайди ҳам.

Бир муаллиф наздида Навоий мактабда ўқиб юрган кезлари аввал Саъдийнинг “Гулистон” ва “Бўстон” асарларини, кейин эса Атторнинг “Мантук ут-тайр”ини ёдлаган: “Саъдийнинг “Гулистон” ва “Бўстон”ини аллақачон ёдлаб олган бола Алишернинг бу дostonини (яъни, “Мантук ут-тайр”ни — С.О.) ҳаммадан пинҳон ўқиб юриши, ёддан билиши унинг дунёни идрок этишга анча эрта интила бошлаганидан далолат беради” (Муллаҳужаева К. Гоҳ завоқ, гоҳ изтироб / Тафаккур, 2019, № 1. — Б. 110.)

Биринчидан, мактаб боласи ҳамма асарни ҳам ёд олавермайди. Бунинг устига, катта-катта асарлар бўлса бўлар. Иккинчидан, “Бўстон”-ку — шеърий дoston. Лекин “Гулистон” — назм аралаш насрий асар. Уни бошдан-охир ёдлаган бирор киши бўлмаса керак. Учинчидан, Навоийнинг болалиқда “Гулистон” билан “Бўстон”ни ёдлагани ҳақидаги маълумот қаердан олинган? “Лисон ут-тайр”нинг “Бу китоб назмда ўз муносабатининг тақриби”, деб номланган 189-бобида “Мантук ут-тайр”ни ёдлаб олгани ҳақида шоирнинг ўзи маълумот бериб ўтади:

Ёшуруб дафтарни маъдум эттилар,
Шуглидин кўнглумни маҳрум эттилар.

Манъи қулли қилдилар ул ҳолдин,
“Мантук ут-тайр” узра қилу қолдин.

Чун ародин ўтти бир аҳди баъид,
Булдилар ул ҳолатимдин ноумид.

Лек чун ёдимда эрди ул қалом,
Ёшурун тақрор этар эрдим мудом.
(Б. 294 — 295.)

Тўғри, шу бобда шоир “Гулистон” билан “Бўстон”ни ҳам тилга олади. Лекин улар тамоман бошқа мақсадда зикр этилган-да. Ёзилишича, болаларга бир хил дарс ўтилавеганидан саводи яхшилансин учун муаллим уларга ўқиш учун насрдан “Гулистон”, назмдан “Бўстон” каби китобларни берганига ишора бор. Ёш Алишернинг кўнгли эса “Мантук ут-тайр”га мойил бўлибди.

Маълумки, 1992 йили “Фан” нашриётида чоп этилган “Ишқ, ошқ ва маъшук” рисола-сида “Фоний” — Навоийнинг ҳам форсий, ҳам

туркий тахаллуси эканини илман исботлашга уринган жумла бор. Бунга сабаб, шоир ўзини “Лисон ут-тайр” дostonини айнан “Фоний” тахаллуси билан битади. Шунга қарамай, ханузгача бу борада эски хато қараш ўзгаргани йўқдек. Матбуотда тез-тез: “Алишер Навоий туркий тилда ёзган шеърларига “Навоий”, форсий тилдаги шеърларига “Фоний” деб тахаллус қўяди”, деб ёзишаверади.

Эсдан чиқармайлик: “Навоий” — шоирнинг фақат туркий, “Фоний” эса — ҳам туркий, ҳам форсий шеърларидаги тахаллуси.

Албатта, ҳар қандай асардан ҳар қандай парчани олиб олиб, таҳлил қилиш мумкин-дир. Бирок бир муҳимдан-муҳим шарт бор: матн бунга изн бериши керак. “Юлиб олинган” ҳар қандай матн эса амалда бутуннинг бўлаги ҳисобланади. Юлиб олинган матннинг, аввало, ана ўша бутун таркибидеги маъно-мазмунини қамраб олиш лозим. Матни архитектуранидан айри, яъни бутун билан қисм муносиблигини бузган ҳолда тушуниш катта хулосага хамиртуриш бўлиши ҳеч гап эмас.


Масалага шу жиҳатдан ёндашсак, Воҳид Зоҳидовнинг мана бу таҳлилига қўшилиш қийин кўринади:

“Навоий ўзининг кейин (умрининг охирида ёзган “Лисон ут-тайр” дostonи охирида) хабар беришича, у кичиклигида машхур Фаридиддин Атторнинг мутасаввуфона “Мантук ут-тайр” асарини жуда катта қизиқиш билан ўқиб, ўзлаштириб, ўша вақтдаёқ айтган экан: ...Ким дедим: “Узлат эшигин очқомен, Даҳри бемаъни элидин қочқомен”.

Замоннинг бемаъни эканлигидан, унинг бемаъни одамларидан зорланиш, яхшилик ҳақида орзу қилиш, шунга интилиш Алишерда кучайиб бораверади (таркидунёчилик томон эмас, реал мақсадлар томон) (Зоҳидов В. Ҳаётбахш бадиият тароналари. — Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975. — Б. 91. (464 б.).

Ана энди таҳлилга тортилган, шу асосда бир жиддий хулоса илгари сурилган байтнинг бутундаги ўрни ва мавқеини белгилаб олайлик.

“Лисон ут-тайр”нинг 189-боби “Бу китоб назмида ўз муносабатининг тақриби”, деб номла-



нади. Унда ёзилишича, ёш Алишер мактабда ўқиб юрган кезлари муаллим болаларнинг “сабақ озоридин” чарчаганини ҳисобга олиб, ҳам саводи яхши бўлишини истаб, уларга бадий китоблар ўқишни буюрганини эслайди. Баъзилар Саъдийнинг “Гулистон”-и-ю “Бўстон”-ини ўқиса, Алишер Атторнинг “Мантук ут-тайр”ини мутолаа қилади. Уни ўқишга шу қадар берилиб кетдики, элдан узлиб, одамови бўлиб қолади. Чунки дostonда тасвирланган ишқ ёш кўнглини шайдо қилади:

Оқибат ишқ айлади шайдо мени,
Уйла таъбиғат этти бу савдо мени.
(Б. 294.)

Бу ерда Навоий ўша “Мантук ут-тайр”ни ўқишга берилиб кетганидан одамови бўлиб қолганини, узлатга чекиниб, одамлардан қочиш, фақат мутолаа билан машғул бўлганини ёзаяпти, ҳолос. Кейин ота-онаси бу ҳолдан хабар топади. “Бунақада болаимиз телбаликка мубтало бўлади”, — деб ўйлаб, “Мантук ут-тайр” китобини ундан олиб, яширишади. “Фойдаси йўқ эди, — дейди шоир, — чунки мен уни тўлиқ ёдлаб олган эдим”.

Лек чун ёдимда эрди ул қалом,
Ёшурун тақрор этар эрдим мудом.

Ондин ўзга сўзга майлим оз эди,
Қуш тили бирла кўнгул ҳамроз эди.
(Б. 295.)

Демак, бу байт адабиётшуносга “замоннинг бемаъни эканлигидан, унинг бемаъни одамларидан зорланиш, яхшилик ҳақида орзу қилиш, шунга интилиш” ҳақида сўзлаш имконини бермайди. Бу айнан асарнинг қисмини бутундан узиб олиб таҳлил қилишнинг оқибатидан бошқа нарса эмас. Мустақиллик йилларида олий таълим му-

ассасалари талабалари учун энг қадимги даврлардан XV аср охиригача бўлган давр адабиёти тарихи бўйича дарслик яратилиши анча чўзилди. Эндиликда Н.Раҳмоновнинг дарслигига эгамиз. Шунгача, асосан, Алишер Навоий ижоди юзасидан дарс ўтишда, асосан, Натан Маллаевнинг “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигини ҳамда “Ўзбек адабиёти тарихи” беш жилдликнинг 2-жилдидан фойдаланиб келинди.

“Ўзбек адабиёти тарихи” беш жилдликнинг 2-жилди ҳозирча Алишер Навоий ҳақида энг кенг маълумот берувчи муфассал илмий нашр ҳисобланади. Унда XV асрнинг иккинчи ярми адабиёти, асосан, буюк Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ёритилган. “Лисон ут-тайр”га ҳам махсус боб ажратилган. Уни филология фанлари номзоди Суйима Ганиева ёзган.

Очиги, бу жилд чоп этилган 1977 йили мазкур дoston ҳали жуда кам тадқиқ этилган эди. Бобда асарнинг муҳим жиҳатлари ёритилган, албатта. Муаллиф тўғри йўлдан бориб, “Лисон ут-тайр” моҳиятини, асосан, очиб беришга эришган. Шоир дostonда кўтарилган масалалар бўйича фикрларини “аллегорик тарзда баён этгани” (Б. 323), бу асарини Атторнинг “Мантук ут-тайр”ига “таржима расми била” жавоб тарзида ёки уни “шарҳ этгани” ёзгани (Б. 325), асар тилининг “Навоийнинг бошқа дostonлари, шеърий асарлари тилига нисбатан анчагина содда ва равон”лиги (Б. 335) қайд этилган, сюжет нисбатан батафсил баён қилинган.

Шуни унутмайликки, бу шўро даврида ёзилган тадқиқот эди. Унга бугунги талаблар билан ёндашилса, талай хато ва камчиликлар кўзга ташланади. Бугунги навоийшунослик уларга муносиб муносабат билдириши керак. Шунинг учун уларнинг айримларига тўхтаб ўтамиз.

Дoston “бир неча асрлардан буён Шарқ мутафаккирларини банд қилиб келган гоҳат мураккаб фалсафий масалаларга бағишланган асар” (Б. 323) сифатида баҳоланган. Ҳолбуки, “Лисон ут-тайр” — Навоийнинг 6 дostonи орасида энг соддаси. Бунини “Мантук ут-тайр”ни ўқитувчи мактаб ўқувчиларига ўқиш учун тавсия этганидан ҳам билиб олса бўлади.

Боб муаллифининг “Лисон ут-тайр” тили ҳақида сўзлаб: “Навоийнинг бошқа дostonлари, шеърий асарлари тилига нисбатан анчагина содда ва равон” (Б. 335), деган хулосаси ўзининг юқоридаги фикрини инкор этади ҳам. “Лисон ут-тайр”, худди “Мантук ут-тайр” каби, арузнинг содда ва равон, хусусан, ўзбек тилига жуда мос тушадиган рамали мусаддаси маҳзүф (ёки мақсур), яъни “фоилотун фоилотун фаулун (ёки фоилон)” вазнида битилган ҳам фикримизни исботлашга хизмат қилади. Мумтоз шеъриятимизда ҳам, ҳозирги ўзбек назмида ҳам бу вазнда энг кўп газал битилган. Шу даражадаки, Атоий газалларини ҳаммаси рамал баҳрининг турли вазнларига ёзилган. Ҳатто, Хусайний, яъни Хусайн Бойқаро барча газалларини рамалнинг биттагина, яъни рамали мусаммани маҳзүф (ёки мақсур), яъни “фоилотун фоилотун фоилотун фоилон (ёки фоилон)” вазнида яратган.

Демак, бугун қарашимизни ўзгартиришимиз керак. Яъни, “Лисон ут-тайр” — Навоийнинг энг содда дostonи”, деб ҳисоблашга мажбурмиз. Чунки унда тасаввуфий мотива-

ция калити шундоққина ўқувчининг қўлига тутқазиб қўйилган.

— Шайх Санъон ҳақидаги ҳикоя воқеалари баёнида яна шундай жумлаларни ўқиймиз: “Шайх ўзига кела бошлади, муридларига узроҳлик қилиб, улар билан Каъбага қайтиб кетди. Шундан кейин Тарсо қизга тушида Исодан Каъбага бориши, Шайхдан узр сўраши, унинг динига кириб, бирга бўлиши лозимлиги ҳақида хабар келади. Қиз Каъбага йўл олади. Анча азобу ўқубатлар, саргашталиқлардан сўнг у ерга етиб келади. Шайх билан учрашади, ундан узр сўрайди. Унинг динига кириди ва ўша замонақ дунёдан ўтади. Орадан кўп ўтмай, Шайх Санъон ҳам қазо қилади” (Б. 331). Ҳолбуки, асарда тасвирланишича, тарсо қиз Шайх ортидан Каъба сари сахро бўйлаб йўлга чиқади-ю якка-ёлғиз бу машаққатли йўлда холдан тойиб, хушдан кетиб, йиқилади. Ҳали Каъба — анча узоқ. Шайх ва унинг муридлари ҳам манзилга етиб борганича йўқ. Улар тарсо қиздан анча олдинда йўлда давом этишяпти. Шунда ҳам Шайхга, ҳам унинг содиқ муридига каромат юз бериб, улар тарсо қизнинг улар ортидан келаётгани, йўлда хушдан кетиб қолганидан гоийбан хабар топишади. Улар тарсо қиз йиқилиб қолган томон шошилишади. Муридлар билан бирга келиб, қизни топишади, у узр сўраб, иймон келтиради, Шайх қўлида қанч беради. Унинг жасадини олиб бориб, Каъбада дафн этишади. Кейин Шайх ҳам вафот этади.

Бобда “Лисон ут-тайр”да 63 та ҳикоят борлиги айтилади (Б. 328). Бизнинг саногимиз бўйича эса — 64 та. Афтидан, “Парвоналар мажмаъи шамъи ҳақиқий шарҳида”, деб номланган 164-боб ҳикоятлар сирасига киритилмаган, биз эса мазмун-моҳиятига қўра, уни ҳам “ҳикоят” деб ҳисоблаймиз ва шунинг ҳисобига улар сонни биттага қўлашди.

Мана бу жумлаларда ҳам “Лисон ут-тайр” моҳияти ва шоирнинг уни ёздиган кўзлаган бош мақсадини англамаслик сезилиб турибди: “...Навоий ўзининг шахсий муҳаббатига ҳақида алоҳида дoston яратиш нияти борлигини худди шу асаридега эътироф этган эди... Бирок шоирнинг бу нияти амалга ошмай қолди” (Б. 331). Ҳолбуки, илмимизда кейинчалик, улуғ шоирнинг ўз шахсий муҳаббатига ҳақида битган асари — айнан ана шу “Лисон ут-тайр”, деган фикр илгари сурилди (Қаранг: Олим С. Ишқ, ошқ ва маъшук. — Тошкент: Фан, 1992. — Б. 48 — 50.) ва бу — ҳақиқатга мос хулоса.

Мана бу фикрда шўро даври мафкурасининг кучли таъсири шундоққина сезилиб турибди: “Лисон ут-тайр”да ижтимоий жаранга эга бўлган қатор ҳикоятлар ҳам мавжуд бўлиб, уларда инсон меҳнатининг қадрсизлиги, бойликка ҳирс қўйишнинг фожияли оқибати, дарвешлик ва таркидунёчиликнинг беҳудалиги, таъмағирлик ва текинхўрликнинг ёмон иллат эканлиги қаламга олинади” (Б. 331). Дostonнинг туб моҳиятига кириб борган ўқувчи яхши биладики, бу асарда дарвешлик йўли ҳадди ёлғосида тарғиб қилинган, қушлар айнан дарвеш тимсоли бўлиб келган-ку.

Биз таҳлил қилган жиҳатлар “Лисон ут-тайр” моҳиятини англашдаги хато ва камчиликларнинг айримларини, ҳолос. Асарнинг асл моҳиятини тушуниш тадқиқотидан ҳам, ўқувчидан ҳам катта масъулият талаб қилишини шу мисоллардан ҳам билиб олса, бўлади.

Султонмурод ОЛИМ,
филология фанлари номзоди,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълоиси.

Ўзликни англаш саодати

Азиз Қаюмов Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» дostonи таҳлилига бағишланган рисола-сида асарнинг севги дostonи дейилишининг ҳам ҳақли, ҳам мунозарали томони борлигини очиб беради. Ва бу ошқлар фақат жисмоний севги эгаси эмаслигини асослаб беради. Яъни, Фарҳоднинг маъносиз ва дардмандлиги фақат Ширин учун, Шириннинг дилғирлиги ҳам ёлғиз Фарҳод учун эмас. Улардаги бу ҳолат бир-бирларини кўришдан олдин бошланган.

А.Қаюмов таъбири билан айтганда, дoston барқамол инсон учун хатти-ҳаракат, юриш-туриш низомидир.

Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек баридин гараз инсон эди.
Барчасини гарчанд латиф айладинг,
Барчадин инсонни шариф айладинг.

Демак, инсон кўнгли сабаб табиат ва коинот улуғлигидан ҳам шариф. Чунки у оламни қалби орқали кўради.

Каъбаки оламнинг ўлиб қибласи,
Қадри йўқ андоққи кўнгли каъбаси.

Савол туғилади. Арастунинг шогирдидан илм олган Фарҳоднинг кўнглини нега отаси курган қаср дилғирликдан фориғ этмади? Ўзи учун уюштирилган шохона базмлардан қувонмади? Кўнгли шундакиман, дея, отаси тожу тахтни тақдир этганда нима учун воз кечди? Тог жинсларини сув билан юмшатиш хунарини (бу ҳам илм) эгаллаш билан кифояланди. Ҳоқон хазиналарини кўрсатиб кўнглини олмоқчи бўлганда очилиш сирини номаълум сандиққагина қизиқиб қолди.

Юнонистонга бориб, олим Сухайло билан учрашди. Унинг маслаҳати билан Искандар тилсимини очибга жазм этиб, элма-эл кездди. Аждар, деб (илм йўлидаги тўсиқлар) лар билан олишди. Изчил ҳаракатини сийлаган Аллоҳим уни Хизрга йўлиқтирди. Ундан сандиқнинг очилмаслиги Искандар тилсимини эканлигини билди. Сукротга учрашиб, сирли сандиқни очибга мушарраф бўлди. Демак, Фарҳод илмга ташналигидан сандиқдаги сирли ойнада Ширин жамолини кўрди. Ширин Фарҳод учун икки қирғоғи илму амал бўлган дарёки, ундаги оби-ҳаёт Фарҳод борлигига жон бағишлайди. Олим Саидбек Ҳасанов бу хулосани «Азиз Қаюмов Навоий диалектикаси ва таълимнинг бош хусусияти, деб билади. Шоир Фарҳод хатти-ҳаракати орқали шу таълимни тарғиб этади», деб изоҳлайди.

Шириннинг ҳам Фарҳод кўнгли учун ҳаётий малҳам бўлиш билан бирга илм-маърифат тимсоли эканлиги кейинги воқеаларда кўринади. Фарҳод Шириннинг дийдорига етгач, унинг шарафига саройда базм уюштирилади. Арман шохчи атай Ширинга базмда иштирақ этишни таққилаб қўяди. Нотаниш йигит олдин Шириннинг олимпиадалари синовидад ўтиши лозим эди. А.Қаюмов диққатни Шириннинг ўн олимпиадаларига қаратаркан, илм-хунарнинг ўн соҳасига ишора қилади. Демак, Фарҳод булар синовидад ўтиб, Ширин жамолига етади.

Яна бир мисол. Эрон шохчи Хисрав Парвез Ширин васлига эришиш илмида Арман юртига қўшни тортади. Келиб биладики, Фарҳод бор экан, бу юртни эгаллаб ололмади. Шу боис, ҳийла билан уни қўлга олади. Улар ўртасидаги савол-жавобда шундай байт бор:

Деда: нега сенда оламда пеша,
Деда: ишқ ичра мажнунлик ҳамеша.

Яъни, пеша — илму хунарга ишқ ичра мажнунлик (жонни қўйиш) тўғрили эришилади, деган гоҳ илгари сурилади. Асар низоҳидаги қуйидаги байтда Фарҳод учун Ширин — таълим дунёси бўлиб, бу дунёсиз яшай олмаслиги айтилади:

Қилиб жонони отин тилга таълим,
Тутиб жонон отин жон этди таслим.

Бунда Хисрав Парвез сиймоси жиҳмонан ошқларнинг, рамзан илм-фаннинг қушандаси сифатида гавқиланади. Демак, илму хунар инсон учун ҳаёт-мамонт масаласи.

Умуман, олим мулоҳазаларидан Фарҳод ва Ширин дунёдан ўтиб, ўзларидан боқий ном қолдирган ошқлар ҳамда улар кўнглидаги илм синтези эканлиги маълум бўлади.

«ЮСУФ ВА ЗУЛАЙҲО» НАВОЙ НАЗДИДА

Шаклан содда, мазмунан ўта мураккаб ифода тасаввуф

адабиётининг ўзига хос йўли. «Юсуф ва Зулайҳо» ана шундай дурдона асарлардан бири бўлиб, бу қиссага турли даврда яшаган адиблар мурожаат этишган. Рудакийнинг бир шеъри бор. «Юсуф роҳату фароғатда яшганида уч қўйлаги борлигини эшитганман, — деб ёздади шоир. — Унинг бири қон ичра булғонди, иккинчиси тухматдан йиртилди, учинчиси эса отаси Ёқуб ўғли фироғида кўр бўлган кўзларига суртганда кўзлари очилди». Шеър қуйидаги хулоса билан аяқланади:


Юзим ўхшар биринчисига,
Дилим иккинчисига ўхшар,
Учинчиси насибам бўлгусидир васл кучоғида.

Яъни, биринчиси билан роҳату фароғат юзим ойнасида акс этиб туради, иккинчиси бари ситамлар дилимда эканлигига ишора, учинчиси иймонга келган ёримга Худо берган йўл билан эришганимда асқотади.

Азиз Қаюмов Навоий наздидаги «Юсуф ва Зулайҳо» таҳлилига тамомилан бошқача ёндашган. Шоирнинг воқеа моҳиятини ўзгартирганига аҳамият берибди. Юсуфнинг бадбин оғалари хиёнати, Зулайҳонинг қилмишлари тўғрили чекан азобларига, аввало, ўзи сабабчи эканлигига эътибор қаратади: «Юсуф бир кунни хуснини ойнада кўриб, агар мен қўл бўлганимда бирор киши менинг баҳойимини бера олар-миди, деб кўнглидан ўтказди». Яъни, қисса бошланишида Юсуф ўз жамолини ойнада кўриб, ўзини бебаҳо деб ҳисоблаган эди. Ҳаёт эса бу фикрни рад қилди. Қўл сифатида арзиман пулга сотилган Юсуф Тангрининг қудратига яна бир бор ишонди.

Олим кузатувининг икки жиҳати бор: бири, инсоннинг ўзига бино қўйиши ҳам худбинлик эканлиги, бу Аллоҳга хуш келмаслиги; иккинчиси, Юсуфнинг ҳам пайгамбар эканлиги, унинг бошига тушганлари Яратганининг синови бўлиб, барига чидаши муқаррарлигидир: «Юсуф бир кунни туш кўради, қуёш, ой ва ўн бир полдуз унга сажда қилар эмишлар, — деб ёздади А.Қаюмов. — У тушини отаси Ёқубга айтади. Ёқуб, бу тушининг маъноси шунки, отанг ва қондошларинг сенга муҳтож бўлажақдир, дейди».

Навоий туш таъбирига ҳам икки қатлам мазмун юклаган: бири — Юсуфнинг илоҳий имконияти — у оғалари томонидан қудуққа ташланиб, Миср азияларидан бирига қўл сифатида сотилиб, Зулайҳонинг ишқига мос жавоби бўлмагач, тухматда қолиб, зиндонда ётиб, Аллоҳ қарам билан под-



шоҳ назарига тушади. Миср ҳукмдоридан кейинги азиз инсонга айланади; иккинчиси, Яратгандан кейин отанинг улуғлигига ишора.

Навоий тасавурида Юсуф ҳам Зулайҳони севади. Шоир унинг севгисига асос ҳам яратган. Шу жиҳатдан унинг наздидаги қисса бошқаларидан фарқ қилади. Бунинг олим шундай изоҳлайди: «Навоий ўз одатига қўра, ҳикоядаги воқеаларнинг мантиқий боғлиқлигига катта аҳамият берган. Зулайҳо ўттиз ёшда эди. Демак, Зулайҳонинг ўн етти яшар қўл Юсуфга муҳаббатга авж олган йилларда унинг ёши ўн ёшда бўлган. Яна шоир Зулайҳонинг эри хотинига ноқобил эканлигини, бу Зулайҳонинг пок сақланганлигини билдиради».

Шу боис, айби йўқлиги маълум бўлмагунча, Малик Райён уни зиндондан озод қилмоқчи бўлганда унамайди. Озод бўлгач, Зулайҳонинг эри талоқ қилгач, унга уйланади. Қисса юзасидан Навоий наздида ҳам, олим мулоҳазасида ҳам севгига садоқат эътиқодга собитлик мақомидан кейин туради. Бош моҳият Юсуфда — дилдаги биргина қусур учун Яратганининг ҳукми билан синовлардан ўтганида ва бу ибрат одамзотга улашганида.

Илҳом АХРОР.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

Яқинда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва уюшманинг Сирдарё вилоят бўлими томонидан Гулистон давлат университетида “Янги Ўзбекистон — янги ижодий ёндашувлар” мавзuida илмий-маърифий анжуман ўтказилди. Унда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиққан ҳолда журналистлар олдида турган долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Йилларга татигулик ғоялар

— Биз бугун катта ислохотлар руҳи билан яшаймиз, — деди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳаким. — Утган ой юртимиз учун тарихий вақеаларга бой бўлди. Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Олий Мажлис Сенатида сўзлаган нутқларида ва Олий Мажлисига Мурожаатномасида узоқ йилларга татигулик ғояларни ўртага ташлади. Президентимизнинг 2020 йилни “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилишида катта маъно бор. Бунга Мурожаатномада келтирилганидек: “Энг катта бойлик — бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — бу билимсизликдир!”. Анжуманда Президентимизнинг ислохотлар муваффақиятида журналистларнинг айрича роли борлиги ҳақида фикрлари алоҳида таъкидланди. Хусусан, “тўртинчи ҳокимият” вакилларига доир иқтисод сўзлаш-сўз ўқиб берилди: “Утган 3 йил мобайнида Ўзбекистонда сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш, журналист ва блогерларнинг эркин фаолият юритиши ва ижод қилишлари учун ҳуқуқий асослар ва кенг имконият-

лар яратилди. Бундан кейин ҳам “тўртинчи ҳокимият” вакиллари-нинг эркин ва холис фаолият юритишлари, мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал ислохотларни халқимиз ва халқаро ҳамжамият учун очиқ-ойдин ёритишлари учун барча шарт-шароитларни яратамиз. Жойлардаги муаммо ва камчиликларни руй-рост очиб бериш, уларни ҳаққоний ёритишларида мен профессионал журналистларни ҳамisha ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрман”. Тадбирда иштирок этган вилоят ҳокимининг ўринбосари Отабек Носиров ҳам мамлакатимизда руй бераётган туб ислохотлар ва унда журналистларнинг роли ҳақида мухтасар сўз билдирди ва 70 йиллик тўйини нишонлаётган Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлимининг раҳбари Бойжигит Абдуллаевга вилоят ҳокими Ғофуржон Мирзаевнинг “Табрик хати”ни ўқиб эшиттирди. Ушбу анжуман яна бир байрамга улашиб кетди. Вилоятнинг бош олий қув юрти — Гулистон давлат университетининг наشري “Университет овози” газетаси ўзининг 20 йиллигини нишонлади.

Мухаммадали АХМАД.

ХАЙРЛИ АМАЛЛАР



“QIZILQUMSEMENT” заводининг йиғилишлар залида Навоий вилояти ҳокимлиги ахборот хизмати, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Навоий вилояти бўлими ҳамда вилоят ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси ҳамкорлигида мазкур корхонада ташкил этилган медиа-тур — матбуот анжумани ўтказилди.

Журналистлар боғи барпо этилди

Тадбирда корхона бош директори ўринбосари А.Саломов акциядорлик жамиятининг ўтган бир йиллик фаолияти, амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ҳамда экология билан боғлиқ лойиҳалар ҳақида ахборот берди. Ҳозирда корхона ҳудудида атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ташлайдиган 303 та манба мавжуд бўлиб, уларнинг 116 таси чанг ушловчи воситалар билан жиҳозланган. Ҳавога асосан углерод оксиди, шунингдек, азот, олинтигургурт оксидлари, клинкер ва цемент чанглари кўтарилади. Барча цехларда экологик хавфсизлик масалаларига етарли даражада эътибор қаратилгани туфайли мазкур ташланмаларнинг 98 фоизи ушлаб қолинади. Айни пайтда юртимиз қонунчилигида белгиланган меъёр буйича бир тонна цемент маҳсулотини ишлаб чиқариш жараёнида 8 килограммга чанг ҳавога кўтарилиши мумкинлиги меъёр сифатида белгиланган бўлса, “QIZILQUMSEMENT”да бу кўрсаткич ҳар тонна маҳсулот учун 2,5 килограмми ташкил этапти. Таъкидлаш керак, 3400 нафардан зиёд ишчи-ҳодим меҳнат қилаётган гигант корхонада нафақат цемент, балки 10 дан зиёд бошқа қурилиш материаллари ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Цемент маҳсулотини бир неча йиллар илгари Марказий Осиё мамлакатларига экспорт қилинган бўлса, кейинги йилларда юртимизда қурилиш ишларининг жадаллашуви эвазига ишлаб чиқилган маҳсулотлар тўлиқ ички бозорга етказилиб берилмоқда. Фақатгина, оҳангнинг 90 фоизи ҳозирда Қозғистон давлатига экспорт қилинган. — Завод ҳудудида икки мингдан зиёд дарахтлар экилган, — дейди акциядорлик жамиятининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва экология бошқармаси бошлиғи О.Ражабов. — Айни пайтда кўкаламзорлаштириш ишлари кенгайтирилиб борилмоқда. Медиа-тур давомида журналистлар корхона ҳудудида арча кўчатларини ўтказишди. Рамзий маънода мазкур кўкаламзорлаштирилган ҳудудга “Журналистлар боғи”, дея ном берилди.

Озод МУСТАҒОЕВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Навоий вилояти бўлими мутахассиси.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ЯНГИ ИСЛОХОТЛАР

Мўъжизага қиёс юрт

Навоий шахрини ва вилоятини саҳро бағридаги гўзал келинчақка, бетакрор мўъжизага қиёслашди. Ҳар иккала ўхшатишда ҳам жон бор. Бир сўз билан айтганда Навоий — Худо ярлакан юрт. Навоийнинг чўлларидидаги шувоклардан гўё олтин зарралари тўкилади. Майсалар ер ости табиий элементларининг хабарчилари. Саҳролардан англаган одамга улуг аждодларнинг жасорат ва мардлик нидолари ҳамон янграб туради.



Учкудуқ ва Томдидан таралган қозоқ ўланлари, Нурота ва Қизилтепадан бошланган ёронларга, Кармана ва Хатирчидан янграган лапарлар-у, Зарафшон ва Навоийдан таралаётган рус, қорақалпоқ қўшиқларига ҳамоҳанг янграйди. Мутахассисларнинг айтишларича, Менделеев жадвалидаги барча химиявий элементлар Навоий заминидан топилади. Алишер Навоий асарлари умуминсоний ва ўлмас ҳикматларга бойлиги, умрбоқийлиги билан дунё адабиётини бойитганидек, Навоий вилояти ҳам ноёб ва бебаҳо захираси билан мамлакат хазинасини бойитиб туради. Вилоятдаги қудратли санаят корхоналари, янгидан бунёд этилаётган, ишга туширилаётган иншоотлар мамлакатимиз иқтисодининг асосий қон-томиллари ҳисобланади. Янги йил арафасида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Навоий вилоятига навбатдаги ташрифини ҳар галликдек вилоят аҳли катта қувонч билан кутиб олди. Президентнинг бу ташрифи навоийликлар учун янги йилда муносиб ва катта совға бўлди.

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, қурилиб битказилган янги санаят мажмуалари билан танишиш мақсадида амалга оширилган ушбу ташриф жуда самарали ва мазмунли бўлди. Мана, уч йилдирки Навоий вилоятида бошқа соҳар каби, санаят ҳам ҳар томонлама гуржираб ўсмоқда. Президентимизнинг алоҳида таъкидлаб айтганларидек, бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган санаят маҳсулотларининг 10 фоизи Навоий вилояти ҳиссасига тўғри келади. Вилоят аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи маҳсулот, инвестиция, санаят ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари буйича мамлакатда биринчи ўринни эгаллайди. Хизматлар ва чакана савдо буйича пойтахтимиз Тошкентдан сўнг иккинчи ўринда туради.

Агар рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, вилоятда 2019 йилда умумий қиймати салкам 1,4 миллиард доллар бўлган 7 та давлат аҳамиятига молик ва 360 та ҳудудий инвестиция лойиҳалари амалга оширилди. Ишга туширилган ва амалга оширилган йирик лойиҳалар орасида “Навоийазот” акциядорлик жамиятининг 1,7 миллиард долларлик 3 та лойиҳаси ниҳоятда долзарб ҳисобланади. Илгарилари миллион, деб ёзсак, хурсанд бўлардик. Мана энди миллиардларни қаламга олаётимиз. Бу салобатли рақамлар мамлакатимизнинг жадал ривожланаётганидан дарак беради. “Навоийазот”нинг биринчи лойиҳаларидан — поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуасининг очилиши мамлакатимизда ушбу турдаги маҳсулотларга бўлган эҳтиёжни таъминлашда муҳим қадам бўлди. Алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу мажмуани бунёд этиш ва энг замонавий технология ва ускуналар билан

жиҳозлашга 500 миллион доллар инвестиция сарфланди. Корхонада йилга 100 минг тонна поливинилхлорид, 75 минг тонна каустик сода, 300 минг тонна метанол ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар асосан автомобил-созлик, тўқимачилик, металлургия, кимё, нефть-газ тармоқлари, электр техникаси, қурилиш материаллари корхоналари фаолиятида муҳим ўрин тутади. Бу маҳсулотлар шу пайтгача катта валюта эвазига импорт қилинган эди. Корхона ишга тушгач, энди ана шу йирик маблағ ўзимизда қолади. Энг муҳими, янги мажмуада 900 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Ушбу лойиҳа Хитойнинг “China CAMC Engineering Co.LTD”, “HQS Shanghai Company” компаниялари консорциуми билан ҳамкорликда амалга оширилди. Буни ташриф чоғида сўзга чиққан инжиниринг корпорацияси вице-президенти Ванг Юханг ҳам мамнуният билан таъкидлади. “Навоийазот”да қисқа даврда қиймати 217 миллион доллар бўлган янги замонавий азот кислотаси ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш буйича иккинчи йирик лойиҳа ҳам якунланди.

— Саҳро бағрида Навоий ва Зарафшон каби шаҳарларни, санаят минтақасини барпо этган вилоятнинг меҳнаткаш, мард ва олижаноб аҳолиси янги Ўзбекистон ривожига катта ҳисса қўшишига ишонаман, — деди давлатимиз раҳбари. Ва: — навоийликлар танлаган йўллардан ортага қайтмайдилар.

Ақсинча, олға интилади-лар. Навоийликлар ҳамisha намуна бўладилар, — деб алоҳида ишонч билдирди. Президент маросим иштирокчилари гувоҳлигида рамзий тугмани босиб, корхона ишга туширди. “Навоийазот” акциядорлик жамияти кўп тармоқли санаят корхонаси ҳисобланади. У мамлакатимиз нефть-газ тармоғи, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва тоғ-кон санаяти учун 70 дан ортққ турдаги зарур маҳсулотларни етказиб беради. “Навоийазот” корхонаси фаолиятини яқиндан туриб томоша қилиш ҳам ажойиб, ҳам ҳайратли. Турли хил бир-бирига пайванданган, уланган катта-кичик қувурлар ўзига хос гўзаллик бунёд этган. Турфа маҳсулотлардан тайёрланган ушбу қувурлар бир қарашда осиб қўйилган лабиринтларга ўхшайди, бир қарашда эса кубикларни эслатади. Қувурлардан уларнинг ҳажмига қараб маҳсулот оқади. Бу маҳсулотлар қимматбаҳо ҳисобланади, санаят ривожини учун ишлатилади. Халқимизнинг табиий бойлигига айланади. Бошқа бир ноёб маҳсулотни ишлаб чиқаришга сабаб бўлади. Бу маҳсулотлар мамлакат тарихига, ривожига беминнат хизмат қилади... Япониянинг “Mitsubishi Yeavy Industres” ва “Mitsubishi Corporation” компаниялари консорциуми билан ҳамкорликда янгидан бунёд этилаётган корхонада замонавий технологиялар жалб этилиши туфайли йилга 735 миллион киловатт-соат электр энергияси тежалади. Оқибатда

атроф-муҳитга чиқадиган зарарли газлар миқдори ҳам анча камаяди. Шунингдек, “Навоийазот”нинг ишлаб чиқариш репертуаридан янгидан қурилаётган қўллаб санаят мажмуалари ўрин олган. Ана шундай яна бир йирик корхона — азот кислотаси мажмуаси ҳисобланади. Қиймати 217 миллион долларга тенг ушбу корхона Швейцариянинг “CASVLE SA” компанияси билан биргаликда бунёд этилмоқда. Корхона йилга 500 минг тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Шу кунларда сўнгги жиҳозлаш ишлари олиб борилаётган. Уни ишга тушириш шу йилнинг февраль ойига мўлжалланган. Шунингдек, бундан 55 йил олдин қурилган ҳар жиҳатдан эскирган азот кислотаси цехлари фойдаланишдан чиқарилади. Уларнинг ўрнини юқорида тилга олинган янги мажмуа эгаллайди. Президентимизнинг ташриф давомида “Навоий” эркин иқтисодий зонаси фаолияти билан танишуви ҳам самарали бўлди. Президентимиз ЭИЗ фаолияти билан танишган экан, ютуқларни янада мустаҳкамлаш, янги инновацияларни жорий этиш ҳақида аниқ кўрсатмалар берди. Шубҳасиз, Президентимизнинг ҳар бир ташрифи замирида улкан мақсадлар, сарҳисоб ва катта-катта режалар ётади. Шунингдек, ушбу ташрифлар мазмун-моҳиятида улуг хикматлар бор.

Ашурали Жўраев.

ТАРБИЯ

Янгиладан янги юрт болалари

Айтишларича, бола 7 ёшгача оладиган таълим-тарбия унинг кейинги бутун ҳаёти давомида эришиладиган барча босқичларнинг 70-80 фоизини ташкил этар экан. Демак, инсон ҳаётининг энг асосий пойдевори ҳар жиҳатдан ана шу вақтда қўйилади. Шунинг учун ҳам юртимизда мактабгача таълим-тарбия масаласига кейинги уч ярим йил давомида алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Янги биламизки, узоқ йиллар давомида мактабгача таълим муассасалари эътибордан четда қолиб кетган эди. Айниқса, қишлоқ ва маҳаллаларимизда боғчалар бутунлай “унутилган”, ҳатто, туман марказларида битта-иккита қолмаса, боғчалар тугатилиб кетган эди. Шу сабаб ўтган йилнинг беш йил давомида неча юзлаб боғчалар жойлашган бинолар бузилиб, борлари ҳам ҳар хил дўконлару турфа корхоналарга айлантирилди. Натижанда, оналаримиз боғча деган атамани деярли эсдан чиқаришгача борганди.

Зеро, янгиладан янги Ўзбекистон йил сайин жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил қадамлаб бормоқда. Юртимизда барча соҳаларда бўлгани каби мактабгача таълим тизимига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани — келажак авлодни баркамол руҳда тарбиялашга юксак эътибордан далolatдир. Ҳукуматимиз томонидан мактабгача таълим тизимини ривожлантириш дастури ҳаётга татбиқ этилди. Ватанимизнинг эртанги кунини ва истиқболини белгиловчи ёш авлодни камолга етказиш борасида биздан ўз соҳамизда ҳалол ва сидқидилдан меҳнат қилишимизни талаб этади. Бугунги кунда болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олишни кенгайтириш, тўлақонли таълим-тарбия олишлари учун шарт-шароитлар яратиш олдимиизга қўйилган энг муҳим вазифалардан биридир.

Туманимизда 35 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, уларда мактабгача таълим ёшидаги болалар 12787 нафарни ташкил этади. Утган йил якунида мактабгача ёшдаги болаларнинг 50,2 фоизи боғчаларга жалб этилган бўлса, шундан давлат ташкилотига 3894 нафар, хусусий давлат-шерикчилик мактабгача таълим муассасасига 375 нафар, нодавлат боғчаларга 114 нафар ҳамда оилавий боғчаларга 1700 нафар тарбияланувчилар жалб қилинди.

Туман ҳокимлиги саъй-ҳаракатлари билан тизимда қурилиш-бунёдкорлик ишлари жадаллик билан олиб борилаётган. Мактабгача таълим муассасалари “Обод қишлоқ” ва “Инвестиция дастур”лари буйича лойиҳалаштирилган ва мукамал таъмирдан чиқарилган муассасаларнинг техник базалари яшиланиб, тарбиячи-педагогларнинг болаларга етарли эътибор беришлари учун керакли жиҳозлар ва бошқа барча шарт-шароитлар яратилган. Шунингдек, кунча Турон маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Арпа қишлоғида янгидан қурилган яна бир 50 ўринга мўлжалланган хусусий давлат-шерикчилик мактабгача таълим муассасаси иш фаолиятини бошлади.



Бугунги кунда туманимизда 27 та давлат боғчаси, 7 та давлат хусусий шерикчилиги асосидаги муассаса, 1 та нодавлат ва 70 та оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти, демак жами бўлиб 105 та муассаса болажонларимизни бағрига олган. Жорий йилда эса яна 1 та 75 ўринли давлат боғчаси, 2 та 150 ўринли нодавлат боғча, 2 та 200 ўринли давлат хусусий шерикчилиги асосида, 45 та оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилиши режалаштирилган. Қадрлар салоҳиятини ошириш, уларнинг замон талаблари даражасида фаолият юритишига, инновацион ғоя ва технологияларни жорий этган ҳолда, йўналтирилган илмий-амалий семинар-тренинглар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Педагог кадрларимизнинг 57 фоизи олий маълумотга эга эканлиги ҳам соҳага бўлган эътибор йил сайин кучайиб бораётганини билдиради. Тизимни янада барқарорлаштиришда келажакда бажаришимиз лозим бўлган устувор вазифаларни белгилаб олганмиз. Таълим тизимининг яхлит-узлуқсиз бўлиши сифатида мактабгача таълимни такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, малакали педагог-кадрлар билан таъминлаш, болаларимизнинг маънавий-эстетикасини миллий анъаналар руҳида юксалтириш, замонавий таълим-тарбия жараёнида эса уларнинг мактабга тайёргарлик даражасини тубдан ошириш бош мақсади-миз ҳисобланади. Бахтигүл АСРОПОВА, Оқдарё туман мактабгача таълим бўлими мудири.





Давлатимиз раҳбари томонидан банк-молия тизимини янада ислоҳ қилиш, аҳолига ҳар жиҳатдан замонавий банк хизматлари кўрсатиш борасида бир қатор ҳаётбахш фармон ва қарорлар қабул қилинди. Мамлакатимиз молия бозорида ўз ўрнини тобора мустақамлаб бораётган АТБ "Туронбанк" бошқа молия муассасалари қатори 2019 йилни ижобий натижалар билан якунлади.

Тадбиркорга энг яқин кўмакчи банк

Кунги кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида банк бошқаруви ва мутасаддилари иштирокида ўтган йил якунларига бағишланган матбуот брифинги бўлиб ўтди. Бугунги кунда соҳага бозор механизмларини кенг татбиқ этиш, хусусий ва хорижий капитал ҳисобидан давлат банклари улушини босқичма-босқич камайтириш, кредитлаш сифати ва маданиятини ҳар томонлама кенгайтириш, янги молиявий механизмларни ишга тушириш ва илғор ахборот технологиялари асосида банк тизимини ривожлантириш масалалари йиғилишининг асосий кун тартибиди бўлди.

Жадаллик билан ривожланаётган Янги Ўзбекистон шароитида ушбу соҳа вакиллари ҳам халқ ичига кириб, уларнинг фаровон ҳаётларини таъминлаш, қулайликлар яратиш борасида изланишда бўлишди. Энг асосийси, банк кўмаги билан имтиёзли кредит олиб тадбиркорлик фаолиятини бошлаб, юртимиз тараққиёти йўлида меҳнат қилаётган фуқаролар банкдан миннатдор бўлишмоқда. Айтиш мумкинки, "Туронбанк" ишбилармон юртдошларимизнинг энг яқин кўмакчиси ва сунячига айланиб улгурди.

Йиллар давомида синалган ишончли мустақамлашда банк кўлғусида ҳам ресурс базасини янада активлаштириш, хизмат сифатини яхшилаш, жалб қилинган маблағларни, биринчи навбатда,



иқтисодиётнинг реал секторига йўналтиришга ҳаракат қилади. Молия муассасасининг жами капитал 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, 1,1 триллион сўми ташкил этди. Бу 2018 йилга нисбатан 198,4 миллиард сўмга ёки 22,2 фоизга ортганидан далолат беради. Шунингдек, банк активлари 6 триллион сўмга яқинлашганининг ўзидек, банк ўтган йилни молиявий барқарор якунлаганидан далолатдир. Банкнинг 2019 йилдаги кредитлашга оид фаолияти, асосан, иқтисодиётнинг устувор йўналишларини молиялаштиришга қаратилди. Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига банкнинг жами кредит қўйилмалари 4,26 триллион сўми ташкил этган бўлса, шундан 365,3

миллиард сўми қисқа муддатли кредитлар, 3,9 триллион сўми узоқ муддатли кредитлар ҳисобланади.

Жами кредитлар қолдигининг 90,6 фоизи ёки 3,8 триллион сўми юридик ва юридик бўлмаган тадбиркорлик субъектлари, 9,4 фоизи ёки 402,2 миллиард сўми эса жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келди. Юридик шахс ва юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредит қўйилмалари қолдигининг 37,1 фоизи — 1,6 триллион сўми саноатни ривожлантиришга, 14,1 фоизи — 598,4 миллиард сўм қишлоқ хўжалигига, 4,6 фоизи — 198,1 миллиард сўм маблағ транспорт ва коммуникация соҳасига, 12,3 фоиз — 525,7 миллиард сўм қири-



лиш, 9,2 фоиз — 390,6 миллиард сўми савдо, 0,9 фоизи — 39,3 миллиард сўм уй-жой-коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасига ҳамда 12,4 фоизи — 529,7 миллиард сўм иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига ажратилди.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш борасида миқдорларга янада кенгрок ҳажмдаги молиявий амалиётлар кўрсатиш стратегияси ишлаб чиқилди. Шу орқали рентабелликнинг барқарор даражасига эришилиб, хатарларни бошқариш тизими оптималлаштирилди. 2019 йилда 202 миллион АҚШ доллари миқдорда хорижий кредит линиялари маблағлари жалб қилинган бўлиб, шундан ҳукумат кафолати остида 130,5 миллион АҚШ доллари, тўғридан-тўғри музокаралар натижасида эса 51,5 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилди. Уларнинг манбалари Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Хитойнинг Эксим банки, Халқаро

қишлоқ хўжалигини ривожлантириш жамғармаси, "Газпромбанк"и, Хусусий секторни ривожлантириш ва бошқа молиялаштириш корпорациялари ҳисобланади.

Шу билан бирга, банк томонидан ҳукумат кафолати асосида Хитойнинг Экспорт-импорт банкидан 209,9 миллион АҚШ доллари миқдорда кредит маблағлари жалб қилинган бўлиб, мазкур лойиҳа доирасида "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти таркибидagi 14 та ГЭСларни модернизация қилиш, янги мини ГЭСларни қуриш учун 94,4 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилди.

Банкнинг томонидан аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, бандлигини таъминлаш ҳамда қўллаш мақсадига, "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида, ўтган йил давомида қишлоқ бизнес субъектларига 157,1 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Уларнинг 1,3 миллиард сўми балиқчиликка, 23,4 миллиард сўми иссиқхона ташкил этиш учун, 2,3 миллиард сўми кўенчилик соҳасига, 17,9 миллиард сўми чорванинг ривожланишига, шунингдек, паррандачилик, асаларчилик, боғдорчилик каби соҳаларнинг ривожланишига йўналтирилди — дейди "Туронбанк" АТБ бошқаруви раиси Чори Мирзаев.

Шунингдек, ипотека, истеъмол кредитлари, чакана хизматларни ривожлантириш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни кенгайтириш, замонавий банкмат ва инфокиоскларни кўпайтириш ҳамда аҳолининг бўш пул маблағларини банкка жалб қилиш борасида сезиларли амалий ишлар қилинди. Мухтарам Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномасидаги қуйидаги сўзлари биз учун дастуриламалдир: "...Банк тизимини

ривожлантириш учун бу йил кескин чоралар кўришимиз лозим. Банк тизимида тадбиркорларни қўллаб-қувватлайдиган "лоийҳалар фабрикаси" фаолиятини йўлга қўйишимиз лозим. Банк соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади — тижорат банкларини миқдор учун ишлашга ўргатишдан иборат".

Ушбу давлатдан келиб чиқиб, банкимизда жорий йил чинакамига ислохотлар йили бўлишини келишиб олдик. "Туронбанк" томонидан олиб борилаётган ислохотларни таҳлил қилган ҳолда Юртбошимиз Мурожаатномасига жавобан, республикамиз ҳудудларида 100 та банкматлар ўрнатимиз. Уларнинг 80 таси туман марказлари, маҳаллалар ва қишлоқларда ўрнатилади. Шунингдек, яна 100 та банк хизматлари офислари ташкил этилади, — дейди банк раҳбари Ч.Мирзаев.

Эътиборга молик фактлар: 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, банкда ўз ҳисоб-рақамини очган юридик шахслар сони 24 мингга яқин бўлиб, жисмоний шахслар 720 мингдан ортиқни ташкил этган. Омонатчилар эса 156,8 минг нафарга кўпайди. Қолаверса, ҳисобот даврида 6095 тадан ортиқ юридик шахслар ўз ҳисоб-рақамларини "Турон банк"да очишларининг ўзи банкнинг пухта режа асосида ишлаётганининг амалий натижасидир.

Аҳамиятлиси шундаки, юқорида келтирилган рақамларнинг амалдаги ижроси халқимиз турмушида, миқдорларнинг ҳаётида ўз аксини топаётганлиги матбуот анжуманида алоҳида таъкидланиб ўтилди. Мухтасар айтганда, банк халқимизни тадбиркорликка, ишбилармонликка ўргатиб, уларнинг ишончли молиявий ҳамкори ва ҳамроҳига айланмоқда.

Ҳикматулло ҚОДИРОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Реклама ҳуқуқи асосида

Реклама

«Айнан сиз учун-2»

миллий валютадаги жамғарма омонати

Энг кам миқдори 100 000 сўм.

Омонатчининг талабига кўра, омонат қолдигининг 10 фоизигача қисман чиқим қилиб берилиши мумкин.

Омонат муддатидан олдин талаб қилиб олинганда омонатга йиллик 10 фоиз миқдорида даромад тўланади.

100, 105, 110... 230 кунга

235, 240, 245... 365 кунга

370, 375, 380... 495 кунга

Йиллик 21%

Йиллик 22%

Йиллик 23%

71-200-00-55

XALQBANKINFO

www.xb.uz

Хизматлар лицензияланган.

МШЕЪРИЯТ

Шушларинг тарқалар қорли изларда

Манзара

Туманли оқшомни қўмсайди йўллар,
Жийдалар шоҳида қор учқунлари.
Орқада қолади қўл етмас йиллар,
Юракка чўқади умр тугунлари.

Қиш аёзи эса тоза, ёқимли,
Кунлар қисқаради, йўл эса узоқ.
Дарчаларда қотиб қолган муз синган,
Тим-тим томаётган томчида титроқ.

Илиққина мўъжаз уйнинг тўрида,
Хонтахтада турган чой совиб қолган,
Ташқарида оппоқ катта сўрида,
Шамол гузлаб қалин қорни савалар.

Бугдойи ўрилган далалар яйдоқ,
Фарамланган пичан сочилиб ётар.
Оппоқ бузоқчалар қорга қўшилиб,
Янги из қолдириб подага чопар...

Янги умр Мўйноқда

Орол кетма, умид келди, Мўйноққа,
Янгиланган умр келди, Мўйноққа.
Янги йўллар, янги жаннат овуллар,
Янги орзу, мэхр келди, Мўйноққа.

Саксовуллар салом берар тонгларга,
Янги қўшиқ тугилади тонгларда.
Қора маржон, оқ маржонлар отилиб,
Устюрт бахти очилади тонгларда.

Сув бўйида бошин эгар оқ қамиш,
Ўн бармоққа ўн ҳунардир қўқ қамиш.
Бахтин тиклаб янгиланган Мўйноқнинг,
Тузлар кетиб, ярқирайди оқ қамиш.

Осмонида учар ўрдак гозлари,
Кенгликларга ёзилади ёзлари.
Қўбиз, дўтор, достонлари янғраса,
Қайта тугилади Ажиниёзлари.

Истиқлолнинг имконига эл рози,
Сув, давоси, ёвшан, чечак гул рози.
Бундай улғу бахтни берган Мўйноққа,
Президентдан Орол, Устюрт — Эл рози.

Бурч

Йўқотишлар кўндир ҳаётимизда,
Қадрлаб билдикми ҳар олимизни.
Нени йўқотсак ҳам топилар бир кун,
Топилмас, йўқотсак виждонимизни.

Нимани унутмоқ бўлсак унутдик,
Гоҳ масъулият, гоҳ бор кучимизни.
Аммо унутмоқлик оғир гуноҳдир,
Ватан олдидаги ўз бурчимизни.

Сўзлар титроғи

Ҳаётни севасан,
У сенга ёнишни ўргатди.
Шу гулхан чўғидан куч олди умид.
Ёлғиз қолган лаҳзада безовталиқ,
Фикр уйғотди...

Фикрлар уйғонди ичда ўт ёқиб,
Қадамлар кучланди дарёдай оқиб.
Баъзан ичда тўфон қўзғолди,
Чақилган гузуртни ўнта бармогинг
Бириқиб шамолдан тўсгани каби.
Яхши йўлар билан тўса олдинг
Бу тўфонларни...

Бу фақат бир лаҳза,
Шу лаҳзада сени ҳеч ким
Кўришини истамас, кўнглинг —
Бу фақат сенга тан,
Сенга бурюрилган...
Сен ўтларга ёнаётган маҳал,
Сени изламасин дўстнинг, ўртоғинг,
Бу сенинг илҳоминг азоби,
Бу сенинг сўзларинг титроғи.

Қиш

Яна қиш келди,
Қор майин ўради йўлларни яна.
Сўқмоқларда қолди оёқ излари,
Яна совуқ, аёз қилар тантана.

Совуқ лаҳзаларга ўрнашар хаёл,
Уйқусиз тунларда умидлар уйғоқ.
Қор билан айлашиб чирпирак бўлар,
Хазондан сирғалиб учган ҳар ярпоқ.

Унга безонадир қиш манзараси,
У гўё йўловчи ҳорғин, дарбадар.
Қорга чизиб борар кўнгили номасин,
Нурларга урилар юлдузлар қадар.

Деразадан чироқ нури порлаган,
Қирсами уйларнинг остонасига.
Боғларми узоқда уни чорлаган,
Қорлардан ясалган кошонасига.

Япроқ яна юзин қорларга босар,
Қорбўрон рақсидан чарчайди хаёл.
Ва яна боғларга юборар хабар:
“Мана кетаялман, мени кутиб ол!”



Гулистон МАТЌУБОВА, Қорақалпоғистон халқ шоири

Муаллиф хақида: Гулистон Матқубова — таниқли шоира, сийёсатшунос. Олий Мажлис Сенати аъзоси. “Қорақалпоқ адабиёти” газетаси Бош муҳаррири. “Бахт келтирган баҳор” (1979 й.), “Хаяжоннинг етти ранги” (1982 й.), “Ойдин остона” (1983 й.), “Севиб қолсин” (1985 й.), “Земля отцов” (1986 й.), “Юрак билан юзма-юз” (1987 й.), “Нурли кунлар” (1988 й.), “Прекрасное чувство” (1989 й.), “Айтгин менга Тўрткўл хақида” (1993 й.), “Мен сен учун яшашман” (1993 й.), “Интизорлик” (1995 й.), “Йўлларингга чиқдим” (1997 й.), “Дарёга ботаётган кўёш” (1998 й.), “Излаганларим” (2000 й.), “Ойбалдоқ” (2001 й.), “Муҳаббат юрти” (2002 й.), “Қалб зураати” (2004 й.), “Кайтмоқ учун кетмоқдан” (2007 й.), “Ватан руҳи” (2011 й.), “Ота уйим” (2014 й.), “Избранное” 2-томлик (2015 й.), “Уйғониш нашидаси”, (2016 й.) “Гулолим” каби китоблари ҳамда “Келин”, “Ота”, “Кўбиздаги юрак”, “Кўёш учун ёки само садолари”, “Айтгин менга Тўрткўл хақида”, “Мен нечун севаман боғларни кузда” каби ўндан зиёд дostonлари нашр этилган.

Тилак

Сени чорлаганда тун чироқлари,
Соҳин кўчаларга изларинг тушин.
Кўзингда дийдираб дил сўроқлари,
Суратин сўқмоққа чизади тушинг.

Тушларинг тарқалар қорли изларда,
Бутоқларга кўчар шода маржонлар.
Қорхатлар ёзишган ҳурдай қизларнинг
Қониди жўш урар ҳис-ҳаяжонлар.

Ҳеч қачон бу қадар бўлмаган сўлим,
Қадрдон Нукусинг хиёбонлари.
Қирмиз деворларнинг нақшинкор гули,
Гўё бошимизнинг соябонлари.

Олтинланар ойнинг оппоқ ранггида,
Устиди муз қотган қумуш арчалар.
Соат милларининг майин бонги-ла,
Янги кун бахт тилаб келар барчага.

Менинг орзуларим улғайган шаҳар,
Сенга тонг, менга янги ҳаёт муборак.
Ҳаётинг ўчмасин мангулик қадар,
Ҳар лаҳзанг яратсин минг яхши тилак...

МТҲУЙҒУ

— Ҳар бир ўзбек “Алпомиш”ни ўқиши керак, чунки бу китоб Ватан ҳақида бебаҳо қасида, — деган инсоннинг болалари 80-йилларда бош эгиб яшар эди, — дейди қишлоқ оқсоқоли Раҳмонқул ота.

Ҳар киши “Алпомиш”ни ўқиса...

— Бу кунларнинг қадрига етинглар, мен урушга кетиб, жон олиб-жон бериб қайтганимда кўнгили кўйган қизимни отасидан катта одамга узатиб юборишган экан. Ох дедим, воҳ дедим, дардимни англагучи бир зот топилмади. Алам қилгани “куёв” юз таниш эди-да, — деган эди қураша-қураша охир муродига етишган севишганларнинг тўйида ўтирган бир отахон. — Ким нима деса десин, Истиқлол бизга тинчлик, бахт-саодат берди, муҳаббат берди, юзимиз ёруғлигини берди деб қадрланглар, — дея даврани тарк этувди ўша одам...

Ватан деганда биз, аввало, уйимизни, остонамизни тушунаемиз. Сал эс киргач, кўча-кўйга чиққанимизда қишлоғимиз қиёфасида она Ватанини тасаввур қилаемиз. Ҳазратларимизни кўриб, ардоқлаб юрамиз. Бу туйғу болагимизнинг кунора ўзига хос ишлари. Менимча, Ватанини ардоқлаш, севиш, ҳимоя қилиш, ҳув ўша олис, катталар, бизни “ҳа энди бола-да”, деб юрган кунлардан бошлаб куртак ёзган бўлади. Ҳар ҳолда мен шундай деб тушунаман. Дунёда бола тасаввуридан буюк нарса йўқ.

Саксонинчи йилларнинг охирида деворлари нурай бошлаган биналар, қора меҳнатдан эзилган халқ, тонгда уйғонганига ишониб-ишонмай кўйган одамлар ва қадриятдан айрилган эл-улус қолганди. Ватан Муस्ताқил бўлди. Биз ўша эски бинони буткул бузиб ташламадик, ўз навбатида шунчаки оққа бўяб ҳам кўймадик. Аксинча, унинг ёнида гўзал Ватан тикладик. Ҳуруримизни, унутилишга маҳкум этилган қадриятларимизни тикладик. Бугун қад ростлаётган ҳар бир бинога боқиб, худди ғуруримиз ҳам шу қадар мухташам бўлиб бо-раётганини ҳис қиламан.

Ҳозир оламнинг ҳар гўшасида хатар, ҳар пучмоғида тахлика. Дунё денгизда бўронга дуч келган кемадай чайқалиб турибди. Четдан, ташқаридан кўришни сипо, кўзни қувонтирадиган, ўзини дўст деб таништирадиган ёшлар кўп китоб ўқиши керак. Билмдон, ақл-заковати мўл, тафаккури кенг кишини даҳанаки ўйинлар асло чалғитмайди, ўзи танлаган йўлдан қатъий боришга замин яратади. Адабиёт пайдо бўлибдики, китоб инсоннинг энг яқин дўсти эканлиги ҳар бир асрнинг гапи бўлган. Бундан кейин ҳам шундай бўлиши, шубҳасиз. Турли “изм”ларнинг макрига учиб, ёлғон вадаларга ишонмаслигимиз жоиз. Бошимизни силаб, қаноти остига олиб, келажакка дадил қадам бос, сен бизнинг ишончимизсан, деб юрагимизга қувват берувчи ўз эл-юртимиз бор.

Санжар ТУРСУНОВ

Нақадар яхши! Бугун Азиза анчадан буён интиқлик билан кутаётган соғломлаштириш оромгоҳига кетади. У ерда стол тенниси гуруҳидаги дўстлари билан ўн кун дам олиб қайтади. Бир ой сабрсизлик билан кутди-я, бу дамни.

Барвақт уйқудан турган Азиза оромгоҳга олиб кетадиган буюмларини яна бир бора кўздан кечирди.

Тахт қилинган рюкзаги билан уй ичидан ҳовлига чиқаётганда иккинчи синфда ўқийдиган синглиси — Дилсўз ёвқараш қилди. Азиза ташқарига чиқишга улгурмасидан кўшни Холида хола-нинг онасига айтётган гаплари қулоғига чалинди.

— Азиза қизингиз бирам пишир-эй, тегирмонга тушса бутун чиқиш у ёқда турсин, бир қоп ун орқалаб чиқади бу қиз. Сувга тушса қуруқ чиқиши тайин. Кеча...

Йиғлаб юборишдан баъзур ўзини тийиб турган Азиза, шошиб чиқиб кетди. Бекатда оромгоҳга элтувчи автобусни кутди. Виждон азоби ич-ичидан кемирар, бағрини ловуллатиб куйдирарди. Гўёки ҳозир ичидаги олов ташқарига отилиб чиқиб кетади-ю, атрофни куйдириб юборадигандек эди. Бу ҳолатнинг сабаби ўзига аён, туғилган кунда йўл қўйган хатоси...

— Бекор кўрқоқлик қилдим... Барчасига ўзим айбдорман. Агар у кун бошқатдан келганда, асло ундай қилмаган бўлар эдим, — дерди у ўзига ўзи...

Одатда олдида ҳамсуҳбат бўлмаси ўзига ўзи гапиришдан ийманадиган Азиза

ҳозир у ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмасди.

Ҳаш-паш дегунча усти очик бекатдаги ўтиргичга кўёш нурлари тушди. Азиза эринчоқлик билан қўл соатига қаради. Оромгоҳга олиб йўқ эди. Демак, ҳаяжон билан уйдан жуда эрта чиқибди.

Ўйлаб-ўйлаб, дўкон ёнидаги салқин жойга борди. Тахтадан ясалган қўлбола ўриндиққа бориб ўтирди. Бир зум хаёл сурмай деди-ю, лекин уни тинч қўймаётган ўша кунги ёқимсиз воқеа, кўз олдида нари кетмади...

Ушанда эрта тонгдан бошланган ташвиш, кун қизигунча давом этди...

Туғилган кунига синфдошларини таклиф қилиши керак, аммо ёзги таътил бошланган, уларни топиш қийин, у ўзларига кўшни турадиганларни айтди, холос. Тўғриси, айна ёзининг жазирама иссиғида кўчада юргиси ҳам келмади.

Барибир кечга бориб Азизани йўқлаб қариндошлари келди. Онаси дастурхонни ширинликлар, бир-биридан мазали таомлар билан безатди.

Тантана сабабчиси Азиза эса тенгдошлари йўқлигидан бироз ранжиган бўлди. Кутилмаганда хаёлига яқин ўртоғи Мадина келди. “Нега у йўқ?” — атрофга олазарак



Биллур ликонча

Ҳикоя

боқди. Ахир, унга айтганди-да! Йўқ, чиқолмади. Ўзи бориб бошлаб келди...

Азиза унга тортиқ қилинган совғаларни кўриб, кўнгли яйраб ўтирарди. Совғалар кимга ҳам ёқмайди дейсиз?

Ва ниҳоят дастурхонга тортилган таомлардан сўнг, нав-

бат тортга келди. Азиза учун вақт жуда тез ўтгандек эди. Ўйин-кулгу авжига чиққанди, онаси ўзи тайёрлаган пишириқ ёнига қизини чорлади. Азиза ўзида йўқ шод эди.

Ликонча ва санҷилар орасидан пичоқни олди-да, катта пишириқни бўлаклашга

киришди. Мехмонларнинг бир овоздан: “Туғилган кунинг билан”, дея қўшиқ куйлаши базмга ўзгача кайфият олиб кирди.

Азиза тортиқнинг биринчи бўлагини кесиб олиб, бобоси томон юрди. Онаси эса ёрдамга чаққонгина Мадинани чақириб олди. Ҳовлининг ўртаси стол-стуллар билан тўлганлиги сабаб, ҳовлининг озгина қисми очик эди.

Кўлида торт бўлагини кўтарган Мадина Азизага рўбару келиб қолди. Йўлак тор, бир киши бемалол юрса бўларди, аммо икки киши сўғмасди. Улар бир-бирига йўл бергиси келмади. Аввалига серрайиб туриб қолишди. Сўнг бир амаллаб ўтиб олишди. Буни четдан кузатиб турган синглиси ниманидир режалаштирди. Юзида айёрони табассум пайдо бўлди.

Гўёки синглиси кутган воқеа юз берадигандек эди. У ҳаракатга тушди. Аслида Дилсўзга туғилган кун тинч ўтаётгани ёқмаётгани. Одатда оилавий базмларда ҳар доим Азиза бирон жанжалнинг сабабчиси бўлиб қоларди. Ўзи ҳам бирор ишқални бошламаса тинч ўтиролмасди-да. Лекин бугун туғилган кун. Азиза эса ўзининг туғилган кунда саранжомланиб ўтирарди. Тўполон қилгиси йўқ эди. Бу Дилсўзнинг кўнглида шумлиқни уйғотди...

Дилсўз шартта ўрнидан турди-да Мадинанинг йўлини тўсди. Балки хаёлида: “Базм бусиз “файёсиз” бўлиб қолади”, деб ўйлагандир... Кўлидаги ликончада торт кўтариб олган Мадина тор йўлакка келиб қолганди.

Атай қилгандай, Азизанинг синглиси Мадинага урилиб кетди. У бунни кутмаганди, ўзини тутиб қололмади, орқасида турган столга урилиб, йиқилиб тушди...

Бир зумда хонани бақирчақир тутиб кетди. Кимдир Мадинани юпатган, яна кимдир эрка сингличани койи-ган бўлди.

Азизанинг синглиси қилган ишдан пушаймон бўлмади ҳисоб. Фақат айёрони кутган Мадина Азизага рўбару келиб: “Ана энди томоша бошланди”, деди ўзига-ўзи, бунни ўзидан бошқа ҳеч ким эшитмади.

Кўрқув ва ҳаяжонда қолган Азизанинг қўллари қалтиради, торт солинган биллур ликончани ушлаб қололмади, у ерга тушиб, чил-чил синди. Азиза ҳамма кўзлар унга йўналтирилганлигини кўриб, Мадина туппа-тузуқлигини англади. Дарров ваҳм аралаш нигоҳини бобосига қаратди. Бирпас саросимада чап томонини чап қўли билан ушлаб олган Мадинага кўзи тушди:

— Мадина, кўзингга қараб юрсанг бўлмайдимми? Қара, нима қилиб қўйдинг? Бу ликончани бобом Дубайдан олиб келганлар, тилло суви юритилган, қанча туришини биласанми? Мен билмайман, ҳаммасига сен айбдорсан! — деди айбини оқлаш учун.

Мадина хангу-манг бўлиб қолди. Энди даҳшатли тус олган кўзлар “ҳақиқий айбдор”дек, Мадинага қаратилди. Кимдир: “Вой, бефародасат-эй, қап-катта қиз, қилиб ўтирган ишини!” — деди. Мадина атрофга алангарди,



Муқаддас МАМАРАСУЛОВА

Муаллиф хақида: Жиззах вилояти, Зарбдор туманида туғилган. 2019 йилда Тошкентдаги “Ҳилол-медия” нашриётида “Нишона сап-лар” китоби чоп этилган. Жиззах давлат педагогика институтининг хорижий тиллар ва адабиёти факультети 2-босқич талабаси.

нажот кутди, аммо ҳеч ким ҳеч нарса демасди.

— Қўявер, унақа дема қизим, ҳаммаси яхшиликка. Синган буюмга асло ачинмаслик керак.

— Онасининг бу гапи ҳам унинг назарига негадир киноядек эшитилди.

“Нега кўрқоқлик қилдим? Бобом туғилган кунимда балки мени кечирарди... Тўғриси айтсам, Мадина билан яна ўртоқ бўлиб юрардим. Йўқ, барибир мен кўрқоқлик қилдим...” Бу ўй Азизага тинчлик бермади. У оромгоҳини ҳам унутиб, Мадинанинг уйлари томон йўл олди...

МАХМУДХҲА БЕХБУДИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 145 ЙИЛЛИГИ

Нотинч 1919 йилнинг ёзида Бухоро амирлиги ҳудудига кировчи Қарши шаҳрининг зиндонига туташ кимсасиз майдонда мудҳиш воқеа юз берди — тўрт беғуноҳ инсон қатл этилди. Мақтуллардан бири — машҳур маърифатпарвар адиб, "Ойна" журналининг муҳаррир ва ношири Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг икки шериги — Мардонкул Шомохмуд ўғли ва Маҳмудхўжа Ўринбой ўғли бўлиб, булар қаторида Қарши бегининг маҳрами, зиндонбон Аҳмад деган киши ҳам қатл этилган эди. Айтишларича жаллодлар маҳкумларнинг ўзларига ўз қабрларини қазिशни мажбур қилишган, сўнг уларни ўлим олдидан намоз ўқиб олишларига ҳам йўл қўймай олдин Маҳмудхўжа Беҳбудийни, сўнг бошқаларнинг бўйинларига пичоқ тортиб, бошларини танларидан жудо қилишган, тайёр чуқурларга кўмиб, ўрни билинмасин учун ер билан бир қилиб текислаб юборишган.



қўшила олмади. Шундай бир вазиятда, яъни 1919 йилнинг баҳоридида у икки маслакдош дўстлари билан "ҳаж қилиш" учун дея, аммо ўзларига ва

ларга ачишиб, уларни озод қилиш умидида бека: — Тақсир, буларнинг ишлари ҳақиқатлаб қўрилса, гуноҳлари аниқланиб, кейин

“Дунёда яшамок учун дунёвий фан ва илм лозимдур, бой бўлмоқ у ёқда турсин, рўзғор тебратиш учун ҳам илм керак”.

Яратганга аён бўлган режалар туфайли чет элга бориш учун йўлга тушадилар ва Шаҳрисабзда Бухоро амирлиги одамлари томонидан ҳибсга олинди. Бу ерда икки ой зиндонда ҳибсда сақланганларидан сўнг уларни Қаршига олиб келадилар. Айтишларича Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг қўлга олинган шериклари билан Бухоро амирлиги томонидан қўйилган Қарши беги Тоғайбек ўртасида шундай савол-жавоб бўлиб ўтади:

— Сизлар кимсизлар, нима учун ҳибс қилингансизлар? — деб сўрайди бек.

— Бизлар Байтуллоҳни зиёрат этмак учун Самарқанддан чиққан эдик, йўлда амир маъмурлари "сизлар жадид, кофир ва тилчи" деб бизни қўлга олдилар. Тафтиш қилинсан, бизнинг гуноҳсизлигимиз шояд маълум бўлар, — дейди Беҳбудий ҳазратлари.

— Сизлар жадид ва кофирдирсиз. Бухорога жаноб олийга тиг тортқон сизнинг маслакдошларингиз эмасларми? Сизларни ўлдирмоқ керак. Сизлар қўтилмоқ учун Байтуллоҳга бормоқчи бахона этиб кўрсатасиз, — дейди бек.

Беҳбудий у ва унинг йўлдошлари қўлга олинганларида бекнинг биринчи маҳрами ва зиндонбони бўлган Аҳмад исмли киши Беҳбудийни тасоҳасида бироз ишлади, аммо бу ҳукуматнинг зўравонлик сиёсатида асло

жазо берилса бўларди, — деб ўртага тушади. Бунга жавобан бек газабланиб:

— Энди билдимки, сен ҳам жадид экансан, чунки жадидларга тарафдорлик қилаясан. Ўлдурмураднинг жадидлар учта эди, энди сен билан тўртта бўлди, сени ҳам ўлдурмак керак, — деб уни ҳам зиндонга қамашни ва амирдан фармойиш келиши билан уларнинг қатл этилажакларини айтади. Бунга жавобан Беҳбудий ҳазратлари: — Бизлар ўлимдан қўрқмаймиз. Мундай йўлда ёлғиз биз ўлмаган, балки кўп кишилар тўғрилиқ ва инқилоб йўлида шайхид бўлганлар, — дейди.

Кўп ўтмай улар қатл этиладилар. Амир Бухорога хоинона ҳужум қилган большевикларнинг ўчини уларга муҳолиф бўлган маърифатпарвар беғуноҳ Беҳбудийдан олади. Аммо Беҳбудий ҳазратларининг ўлимида большевикларнинг қўли борлиги яққол сезилиб турарди, ўша замонларда Русиянинг Бухородаги элчиси Уткин деган шахснинг бу ишга бош-қош бўлганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Олимларнинг фаразларича Беҳбудий ҳазратлари бу сафар ҳажга эмас (адиб олдинроқ ҳаж сафарига бориб келганлиги унинг "Саёҳат хотиралари" йўл лавҳаларидан маълум) балки большевикларнинг зўравонликларини фаш этиш учун чет эллардан бирида ўтказилаётган анжу-

манга кетаётган эди. Турган гапки "қулоғи динг" большевиклар бирор хоин орқали бундан хабардор бўлиб бу ишнинг "чорасини кўрганлар", яъни қонхўр амир қўли билан миллатнинг фидойи фарзандини ўлдириб, ўзларининг закий, жасур ва обрўли душманларидан қўтилганлар. Натижада ёвузлик яна галаба қилган, беғуноҳ қонлар тўкилган.

Беҳбудий ҳазратларининг энг яқин шогирдларидан бири бўлган Садриддин Айнӣ бу ёвуз кулларга қарата: *Эй мафдуни инсоният,*

Эй мақтули ахбор!
Эй маркази ваҳшоният,
Эй маҳмаи ашор!
Қон тўк, яна қон тўк,
яна қон тўк!
Қон тўк-да чўмили қонга!
Йўқил қонга!

деб кўзларидан ёш оқизиб фарёд қилса, унинг ёш шогирдларидан бири бўлган Чўлпон:

Билгисиз қабринги
қора тунларда
Амалимининг шаъмин

ёқиб изладим,
деб бўзлаган эди. Ҳа, Беҳбудий ҳазратларининг мазори то ҳануз бу дам топилмаганча йўқ, аммо унинг муборақ қонидан унган чечаклар истиклолимиз насимида хилпираб гуллаб, яшнаб турибди. Ўша пайтдаги маккор давр тизими унинг номини, аъмолларини йўққа чиқариш учун қанчалик уринмасин, бу табарруқ ном йўқолмади, дилларда яшади ва яшаб келмоқда. Беҳбудий ҳазратлари ўлими олдидан ёзган ва бизгача узук-юлук бўлиб етиб келган ўз васиятномаларида: "Бизларни унутмангиз, мактаб-маорифни тараққий эттирингиз", деган эдилар, ул зот айтганлари тўла амалга ошди ва ошмоқда. Ҳа, шаҳидлар қони беҳудга кетмайди!

Мухтор
ХУДОЙҚУЛОВ.

Маърифатпарвар адибнинг сўнгги кунлари

Хўш, бу бечораларнинг гуноҳлари нима эди, Беҳбудий ҳазратларининг муборақ қони нима учун тўкилди? Бу муаммоларни ечиш учун аввало ушбу қатлда бош "гуноҳдор" саналган Маҳмудхўжа Беҳбудий ким эди, деган саволга жавоб берилиши лозим.

Маҳмудхўжа Беҳбудий 1875 йилда Самарқанд яқинидаги Бахшитапа қишлоғида мулло Беҳбудхўжа оиласида таваллуд топади, унинг отаси ўқимишли киши бўлиб, асли туркистонлик, улуг авлиё зот бўлмиш Аҳмад Яссавий авлодларидан эди. У кўп ўтмай вафот этади ва ёш Маҳмудхўжа тоғаси қози Муҳаммад Сиддиқнинг тарбиясида вояга етади. Сўнг Самарқанд ва Бухоро мадраса-

ларида таҳсил олиб, шаритатнинг юксак лавозимлари — қози ва муфти даражасига эришади. У бошқа қозилар сингари ўз тинчини кўзлаб, билганича ҳукм чиқариб, оиласи билан тўқ яшаб, етарлидан ортиқроқ бойлик орттириб юриши мумкин эди. Аммо қалби пок, ақли тийран бу зот бу йўлдан бормади, у оламга қалб қўзи билан боқди, ундаги ҳақсизлик, адолатсизликларни кўрди, халқнинг дарду аламини дилгир юраги билан чуқур ҳис этди. Маҳмудхўжа ўз миллатининг тақдири учун қайғурди, ватан равнақи учун йўл излади. У тараққиётни илму маърифатда деб билди, кишиларни илмга, зиёга чорлади, жаҳолату бидъатдан

қочишга ундади. "Дунёда яшамок учун дунёвий фан ва илм лозимдур, бой бўлмоқ у ёқда турсин, рўзғор тебратиш учун ҳам илм керак", — деди у юрак-юрагидан куйиниб ва ёшларга илм бериш учун мактаблар очди, дарсликлар ёзди, одамларга дунёвий илм беришнинг энг илғор йўли бўлган янги — жадидчилик гояларини ёқлаб чиқди. Неча замонлардан бери кишилар онгини қоплаб келаётган жаҳолатни қувиш учун театр томошалари ёзиб, намойиш эттирди, "Самарқанд" газетаси ва "Ойна" журналини чиқариб, элга илму маърифат ёймоқчи бўлди. Олами етук зийраклик билан кузата олган бу комил инсон дунёда рўй бераётган ижти-

мой ҳодисаларга ҳам ўз муносабатини билдирмасдан тура олмади. Чунончи, у аср бошида Россияда сиёсий ҳаракатлар бошида турган фирқаларга баҳо берар экан, социал-демократларнинг дастури хаёлий эканлигини, шаритатга тўғри келмаслигини 1906 йилдаёқ рўй-рост айтган эди.

Истилочи чор Россиясининг истибдоди бироз бўшашгач, Беҳбудий миллий-озодлик курашида фаол иштирок этди, истиқбол учун жон куйдирди, Туркистон мухториятининг асосчиларидан бири бўлди. Мухторият қонга ботирилгач у большевиклар даврида ҳам мактаб-маориф соҳасида бироз ишлади, аммо бу ҳукуматнинг зўравонлик сиёсатида асло

Беҳбудийнинг ҳикматли фикрларидан:

Ҳақиқий матбуот ҳеч кимни хотирига қарамас.

Одам боласини қанча илми зиёд бўлса, дунё, тарих, жуғрофия илмидан хабари бўлса, шунча яхшидир.

Инсоннинг нуқсон ва хатодан холи бўлмаслиги ҳар бир одамга маълум.

Биз туркистонийларга туркий, форсий, арабий ва русий билмоқ лозимдур.

Хатни камсўз, сермаъно ёзмоқ керак.

Исломият шундай бир дини матин ва қобили тараққийдурки, на қадар илми

замоний кўб ўқиса инсонни яна дини исломга шунча ақидаси мустаҳкам бўлур.

На усули жадида мактабига ўқуғон сабабли ва на ўқиғон ваъждан киши кофир бўлмайдур.

Маданияти ҳозирдан маҳрум қолуб, саноъ ва маориф салоҳи ила қуролланмаган миллат эса дунёда роҳат ва саодат юзини кўролмас.

Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур.

Театр ибратномадур, теятр ваъзхонадур, теятр таъзир адабидур.

БИЛАСИЗМИ?

Донорлар рағбатлантирилади

Қон ва унинг таркибий қисмларини мунтазам равишда ҳамда бепул топширувчи

донор «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» («Почетный донор Республики Узбекистан»)

кистан») кўкрак нишони билан тақдирланади ва БХМнинг 5 баравари миқдоридида бир йўла бериладиган пул мукофоти олади.

Манба: //t.me/huquqiy axborot

РАССОМ ХАНДАСИ



Шаҳардаги "дарбадар" автобус...

Хусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

Hurriyat

Бош муҳаррир

Абдурашул ЖУМАҚУЛОВ

Тахририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Телефонлар: (71) 244-32-68, 244-32-91

Тел-факс: (71) 244-32-80

Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Евгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Ҳ.Қодиоров. Мусаҳҳих: Ш.Убайдуллаева.

"Шарқ" НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2. Баҳоиси келишилган нархда

Адади: 5004 Буюртма — Г-265

Обуна индекси: яқка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Топшириш вақти — 20⁰⁰ Топширилди — 21¹⁵



QISHLOQQURILISHBANK
МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ МУДДАТЛИ «ЯНГИ МАҚСАД» ОМОНАТИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:
омонат муддати — 370 кундан 550 кунгача
фоиз ставкаси — йиллик 23%
Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.
Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини қафолатлаш фонди томонидан қафолатланади.
«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!
(+998) 78-150-93-39, 78-150-72-58 www.qqb.uz